



## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

### FARMON

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni bilan O'zbek milliy raqs va xoreografiya san'atini rivojlantirish, boy madaniy merosimizni dunyoga tanitish, yosh iste'dod egalarini tarbiyalash borasidagi ko'p yillik samarali xizmatlari uchun O'zbekiston xalq artisti Galiya Bayazitovna Izmaylova «Mehnat shuhrati» ordeni bilan mukofotlandi.

### DAVRA SUHBATI

O'zbekiston Respublikasi Oliy sudida Oliy majlis huzuridagi amaldagi qonun hujjatlari monitoringi instituti, Oliy xo'jalik sudi, Oliy majlisning inson huquqlari bo'yicha vakili (Ombudsman) hamda Bosh prokuratura hamkorligida «Qonunchilik va sudlov sohasiga inson huquqlariga oid xalqaro andozalarining yanada kengroq singdirilishi» mavzusida davra suhbatlari bo'lib o'tdi.

## ЎЗБЕКИСТОН-ЭРОН:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

17-18 июн кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий таширф билан Эрон Ислон Республикасида бўлди.

Эрон ўзининг иқтисодий салоҳияти, табиий захиралари билан Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаларида алоҳида ўрин тутадиган давлатдир. Жумладан, энергетика захиралари бўйича у дунёдаги «катта ўнлик»ка киради.

Ўзбекистоннинг Эрон билан муносабатлари кўп соҳаларда жадал ривожланмоқда. Сафар олдида Президент Ислон Каримов икки мамлакат халқлари азал-азалдан бир-бирининг илм-фани, маданияти ва санъатини бойитиб, савдо-сотик қилиб келганини таъкидлади. Эрон Президенти Саййид Муҳаммад Ҳотамий давлатимиз раҳбарининг мазкур фикрини тасдиқлади.

Эронга таширфдан кўзланган мақсад мавжуд алоқаларга баҳо бериш, ҳамкорликнинг натижаларини сарҳисоб қилиш, мавжуд муаммоларга ечим топиш ва шу орқали муносабатлар кўламини янада

кенгайтиришга йўл очишдан иборат эди.

17 июн куни Эрон Президентининг «Жумҳурия» қароргоҳида бўлиб ўтган музокаралар шу мақсадлардан келиб чиқувчи масалаларга қаратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон-Эрон муносабатлари ўзаро тенглик, ҳурмат ва ишонч таъминланган асосида жадал ривожланмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги таширфлар, ҳукумат делегацияларининг музокаралари уюштирилди. 2000 йилнинг июнида Ўзбекистон Президенти Техронга таширф буюрди, ўтган йилнинг апрелида эса Эрон раҳбари Тошкентга келди. Бу воқеалар муносабатларимиз тарихида янги саҳифалар очилишига хизмат қилди, албатта. Мамлакатларимиз икки томонлама манфаат асосидаги узоқ муддатли ҳамкорлик алоқа-

ларини мустаҳкамлаб бормоқда.

Ҳозирги кунда икки давлат минтақавий хавфсизлик, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда фаол ҳамкорлик қилиб келаяпти.


Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги муносабатларнинг энг муҳим қисмини транспорт коммуникациялари ташкил этади. Томонлар бу борада мунтазам мулоқотларни йўлга қўйган. 1996 йили Ўзбекистон Эрон ҳудуди орқали 34 минг тонна транзит юк олиб ўтган бўлса, 2002 йили бу борадаги кўрсаткич 500 минг тоннага етди. Ўтган йили Ўзбекистон ҳудуди орқали Эроннинг 750 минг тонна юки ташилди. Савдо-сотик кўлами ҳам шундай суръатда ошмоқда. 2002 йили у 1998 йилга нисбатан 4 баробар ошиб, 260 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

(Давоми 2-бетда)



**Беғубор болалик, уни ким ҳам қўмсамайди? Негаки, болалик-подшолик деб бежизга айтилмаган. Шундан билса бўладики, болаликка ҳавас қилмайдиган кишининг ўзи топилмайди. Айниқса бугун оромгоҳларда дам олаётган болаларга бир қаранг! Уларнинг юзига тикилиб озгина бўлса ҳам ҳаёт ташвишларини унутгандай бўласиз.**

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган суратлар



ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

БОБУР  
ИЖОДИДА  
ВАТАН МАВЗУСИ  
3-бет

ОРЗУЛАР  
РЎЁБИ ЮЗ ОЧГАН  
ОНЛАР  
4-бет

ХАЛҚОНАЛИК  
САНЪАТКОРНИНГ  
БЕЗАГИ  
5-бет

ДИНИЙ  
БАҒРИКЕНГЛИК АКС  
ЭТГАН ОНЛАР  
7-бет

ШАРҚ  
РЕНЕССАНСИ  
9-бет

«МА'РИФАТ»ГА  
МАКТУБЛАР  
11-бет

АЛКИМЁГАР  
роман  
12-бет

ҒАРБ  
ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ  
ТАРАҚҚИЁТ ТАРИХИ  
13-бет

МЕҲРТАЛАБ  
БОЛАЛАР ҚАЛБИГА  
ЙЎЛ  
14-бет

«ИТАЛЬЯНЧА»  
КРОССВОРД  
16-бет

SO'NGGI  
UCH KUN  
MUJDALARIBIRINCHI O'ZBEK  
MULTIMEDIYA DARSLIGI

Mamlakatimizda birinchi Multimedia darsligi yaratildi. Avtomobilsozlik yo'nalishidagi kasb-hunar kollejlari uchun texnikaviy o'quv adabiyoti sifatida yuzaga kelgan bu o'quv darsligi Toshkent avtomobil yo'llari instituti olimlarining samarali izlanishi maxsul bo'ldi. «O'zDEU avto» qo'shma korxonasi ishlab chiqarayotgan avtomobillarga texnik xizmat ko'rsatish, tamirlash ishlari olib borish bo'yicha kompyuter o'quvini o'tkazishda bu qo'l keladi.

POLYAKLAR TAN  
BERGAN AYOL

Polsha respublikasi tashqi ishlar vaziri Vlodzimej Chimoshevich O'zbekiston respublikasi Ombudsmeni, O'zbekiston — Polsha Do'stlik jamiyatining raisi Sayyora Rashidovani 2002 yilda Polshani jahonga targ'ib qilish borasidagi ulkan xizmatlari uchun diplom bilan taqdirladi. Bu haqida Polshaning Toshkentdagi elchixonasi ma'lum qildi.

YOSH  
MUSIQACHILARIMIZ  
PARIJDA

Yaqinda Fransiya poytaxti Parijda bo'lib o'tgan Glazunov nomidagi V xalqaro yosh skripkachilar tanlovida Respublikamizning uch nafar vakili — Glier nomidagi Respublika musiqa maxsus akademik litseyining 5-sinf o'quvchisi Tohir Yaxshiboyev, Uspenskiy nomidagi Respublika litseyining 6-sinf o'quvchisi Greys Gafarov va O'zbekiston Davlat konservatoriyasi qoshidagi litseyning 1 kurs talabasi Dmitriy Isakovlar muvaffaqiyatli ishtirok etishdi.

## ЎЗБЕКИСТОН-ЭРОН:

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатларимиз банк-молия соҳасида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келади.

Техрондаги музокараларда Эрон раҳбари ўз мамлакатини икки томонлама алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади. Исло Каримовнинг ушбу ташрифи ҳамкорликни янада ривожлантириш, уни ҳар томонлама бойитиш учун пухта замин яратишига ишонч билдириди.

Музокаралар якуни ушбу ишонч ҳамда Ўзбекистон ва Эронда ўзаро муносабатларни ривожлантиришга интилиш кучли эканлигини тасдиқлади. Президентлар музокара якунлари юзасидан қўшма баёнот имзолади. Ҳукуматлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар, савдо-иқтисодий алоқалар, савдо имтиёзлари, ўсимликлар карантини борасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Эрон Экспортни ривожлантириш банки ўртасида кредит битими, Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати билан Эрон Хавфсизлик вазирлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми қабул қилинди. 2000 йили имзоланган экстрадиция тўғрисидаги битим бўйича ратификация ёрликлари алмашилди.

Транспорт коммуникациялари иқтисодиётнинг асосий бўғинларидан бири саналади. Ўзбекистон учун денгиз йўлларига чиқиш имконияти чеклангани муайян қийинчиликлар туғдираётгани сир эмас. Тўғри, Президент Исло Каримов таъкидлаганидек, шимолий йўналишда коммуникация тармоқлари мавжуд. Лекин мамлакат нигоҳини фақат бир томонга қаратиш ҳам унчалик тўғри бўлмайди.

Шу сабабли ҳам Исло Каримов ташаббуси билан

Ўзбекистон, Афғонистон, Эрон ҳамда Исло тараққиёт банки ва Осие тараққиёт банки иштирокида трансфғон йўлагини очиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. У Термиздан бошланиб, Афғонистоннинг Мозори Шариф ва Хирот шаҳарлари орқали Эрон ҳудудига туташади. Эрондаги мавжуд коммуникация тизимлари эса Бандар Аббос ҳамда Чорбаҳор бандаргоҳларига етиб олиш имконини беради. Бу билан Марказий Осиедан Форс кўрфазига, океанга туташган бандаргоҳларга чиқиш, у ёқдан эса минтақамизга келиш учун янги, арзон ва қулай йўл очилади.

Ушбу масала ташрифнинг иккинчи кунда Ўзбекистон Президенти Исло Каримов, Эрон Президенти Муҳаммад Ҳотамий ва Афғонистон ўтиш ҳукумати раиси Ҳамид Карзай иштирокида бўлган уч томонлама учрашувнинг асосий мавзу бўлди.

Эрон ва Афғонистон раҳбарлари Исло Каримовнинг мазкур ташаббусини тарихий воқеа сифатида баҳолади. Зеро, йўл қурилиши нafaқат мазкур уч мамлакат, балки уларга қўшни давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар кескин ривожланишига ҳам йўл очиши аниқ.

Бу лойиҳанинг фақат интеграцияни ривожлантиришдаги аҳамияти эмас, Афғонистон иқтисодиётига келтирадиган фойдаси ҳам беқиёсдир. Йўл қурилиши ўз-ўзидан бошқа соҳаларни ривожлантиради. Янги тармоқлар пайдо бўлади, минглаб одамлар иш билан таъминланади. Исло Каримовнинг айтишича, Афғонистон ўзи юк ташимаган тақдирда ҳам, транзит хизматидан катта даромад кўради.

Афғонистонда кечган узок йиллик уруш Ўзбекистон учун жанубий йўналишларни ўзлаштиришда катта тўсиқ бўлиб кел-

ди. Ниҳоят, бу мамлакат тинч ҳаётга қадам қўйганидан кейин ҳамкорлик имкониятлари пайдо бўлмоқда.

Трансфғон йўлаги ҳақида гап очилмасидан олдин Ўзбекистон Афғонистонга коммуникация тармоқларини тиклашда ёрдамни бошлаб юборган. Кўприксозларимиз шу кунгача ушбу мамлакатдаги бир неча кўприкни тиклаб, фойдаланишга топширди. Улар таъмирландиган кўприклар сони эса ўндан зиёд. Демак, лойиҳа бу саммитдан анча аввал ҳаётга татбиқ этила бошлаган, дейишга асосимиз етарли.

Албатта, бундай улкан ишни бажариш катта маблағ талаб қилади. Техрондаги уч томонлама музокараларда бу масала ҳам муҳокама этилди. Президентларнинг билдиришича, ҳозирда қатор давлатлар, халқаро молия ташкилотлари лойиҳага қизиқиш билдирмоқда. Бу Президентимиз ташаббусининг истиқболи порлок, деб хулоса чиқаришга имкон беради.

Музокаралар якунида Исло Каримов, Муҳаммад Ҳотамий ва Ҳамид Карзай ушбу масалаларни қамраган Халқаро транспорт йўналишлари тўғрисидаги битимга имзо чекди. Президент Исло Каримов таъбири билан айтганда, уч давлат раҳбари мазкур лойиҳага оқ фотиҳа берди.

Ўзбекистон раҳбари Исло тараққиёт банки (ИТБ) президенти Аҳмад Муҳаммад Али Алмаданий билан ҳам учрашди. Суҳбат давомида халқаро коммуникация тармоқларини ривожлантиришда ИТБ билан ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, томонлар мазкур банк билан Ўзбекистон молия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масаласини муҳокама этди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти Исло Каримов ҳамда Афғонистон ўтиш ҳукумати раиси Ҳамид Карзай иштирокида икки мамлакат делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон-Афғонистон муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатимиз томонидан қўшни ўлгага ёрдамни кўпайтириш, тикланиш ишларидаги иштирокимизни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф арафасида Исло Каримов журналистлар билан суҳбатда улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг Хиротдаги қабрини ободонлаштириш масаласига ҳам тўхталган эди. Техрондаги музокарада бу мавзу яна бир бор тилга олинди. Афғонистон бу борада Ўзбекистонга ҳар томонлама шароит яратишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Шу билан Президент Исло Каримовнинг Эронга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Эрон матбуоти бу ташрифга алоҳида қизиқиш билан ёндошганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Зеро, Исло Каримовнинг Техрон сафари нafaқат Ўзбекистон-Эрон муносабатлари, балки минтақавий интеграция ривожи учун янги имкониятлар эшигини очди.

«Иран ньюс» газетаси қуйидагиларни ёзади: «Шубҳа йўқки, жаноб Исло Каримовнинг ташрифи Ўзбекистон-Эрон муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади ва ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб беради».

Ҳа, манфаатлар уйғун, яқдиллик мавжуд. Демак, ҳамкорлик янада равақ топиши учун муштаккам замин яратилди. Бу ҳамкорлик ўз самарасини беришига барча асослар етарли.

Анвар БОБОЕВ,  
Ўза махсус мухбири.  
Тошкент-Техрон-Тошкент.

## ҲАР ЙИЛГИДЕК БЎЛСАДА...

## Ўзгаришлар ҳам бор

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида абитуриентларни ҳаяжонга соладиган мавсум бошланди. Аввал ҳужжатлар қабули, сўнгра тест синовлари ва ниҳоят, натижа.

«2003-2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори кучга кирди. Қабул мавсуми бошланиши олдида муҳбиримиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи, иқтисод фанлари доктори, профессор Борий Раҳимовни суҳбатга тортиди.

— Қабул ҳар йили бўладиган мавсум. Гарчанд такрорий мавсум бўлса-да, ҳар йилгиси айнан бир хил тарзда кечмайди.

— Таъкидлаганингизча бор. Яқинда, яъни бундан икки кун муқаддам Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида кенгайтирилган йилгилиш ўтказилди. Олий таълим даргоҳлари ректорлари, қабул хайъати масъул котиблари, вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари иштирок этган бўлишида мавсумолиди вазифалар белгилаб олинди. 2003-2004 ўқув йили қабули билан боғлиқ энг муҳим масалалар ҳақида давлат қабул комиссиясининг масъул котибининг маърузаси тингланди. Қабул муддати, таркиби, имтиёзи, ўзгаришларидан хабардор қилинган, мутасадди шахсларга зарурий кўрсатмалар, топшириқлар берилди. Ўйлаётганимиз, бундай йилгилишларни қабул жараёни олдида ўтказиш жуда ҳам керак.

— Бакалаврликка қабул квоталарини белгилашда ўтган йилги рақамлар сақландими ёки оширилди?

— Сақланди. Ўтган йили ҳам давлат грантига 19900 нафар талаба қабул қилиш мўлжалланган эди. Аммо бо-

зор муносабатлари тобора ривожланиб, такомиллашиб бораётганили сабабли тулов контракт бўйича талабалар қабул қилишдаги салом бюджетта нисбатан анча юқори. Таълимнинг пуллик шаклида ҳам ўтган йилги режа сақланди.

— Магистратура таълимидаги ўринлар сони қандай белгилади?

— Бу босқичда ўқишга талабгорларнинг бир қадар қўллиги инобатга олинди. Агар ўтган ўқув йилида 4500 нафар бакалавр магистратурада танлов асосида қабул қилинган бўлса, бу йил улар сони 5400 нафарга етди. Ҳали магистрлар тайёрлашга барча олий таълим муас-

## Dolzarb mavzu

сасалари ҳам қатъият билан киришганлари йўқ, 53 та таълим муассасаси, агар бу борада маълум тажрибага эришган бўлса, яна бешта даргоҳ илк бор ўз магистрантлари билан иш бошлайди.

— Бу йил умумтаълим мактаблари битирувчиларидан ташқари абитуриентлар сафида академик лицей ва касб-хунар коллежларининг битирувчилари ҳам бўлиши аниқ.

— Тўғри, абитуриентлар фақат мактабдан эмас, ўрта махсус касб-хунар таълими даргоҳларидан ҳам келишадди. Таҳминий ҳисоб-китобларга қараганда уларнинг умумий сони 300 минг нафардан кам эмас. Агар уларнинг ҳаммасида олий таълим олишга хоҳиш-истак бўлса, марҳамат, барча даргоҳлар эшиги очил.

— Бу йилги қабулда янги таълим йўналишлари ва ихтисосликлар бўладими?

— Масалан, маданият ишлари вазирлиги таклифига

кўра, музейшунослик йўналиши очилаётган бўлди. Бу маданият ишлари вазирлиги тасарруфидидаги айрим институтлар томонидан амалга оширилади. Шунингдек, Тошкент фармацевтика институти таълим йўналиши биттага кўпайтирилди: саннат фармацевтиясига. Махсус сиртки таълимга ҳам янги ихтисослик киритилди. Болалар спорти мураббийларидан бакалавр тайёрлашга киришилади.

Кейинги йилларда иқтисодий ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бориши туфайли бундай кадрларга талаб ва эҳтиёж ҳам кучаймоқда. Информатика, ахборот технологиялари бўйича педагог кадрлар тайёрлашга кўпроқ ўрин ажратилди.

— Вазирлар Маҳкамаси қарорида Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалини очиш тўғрисидаги алоҳида банд бор. Бунинг зарурати нимада?

— Агар қарорни ўқиб чиққан бўлсангиз, «Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда» деган жумлага кўзингиз тушади. Демак, асосий зарурат шунда. Қорақалпоғистон билан Тошкент орасидаги масофа қанчалик олис эканлиги маълум. Қорақалпоқ давлат университетида эса аграр факультет бор. Бу маълум даражада база бор дегани. Демак, аграр университетнинг Нукус филиалини очишга ҳар жиҳатдан зарурат ҳам, имконият ҳам бор.

— Қабул муддати...

— Ҳар йилгидек 20 июндан 20 июлга қадар. Абитуриентларнинг ҳужжатлари амалдаги тартибга мувофиқ қабул қилинади. Ҳар бир муассаса қабул хайъатлари таржибани аллақачон белгилаб иш бошлади. Эндиги асосий вазифа, абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиб олиш, айрим ихтисосликлар ижодий имтиҳонларини рисоладагидек ўтказиш. Кейин эса тест.

Суҳбатдош Ҳ.ТҶИМАНОВА

Тошкент шахрининг Шайхонтоҳур туманида ички ишлар идораларининг тезкор ходимлари ва профилактика инспекторлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирлар натижасида Чорсу деҳқон бозори худудига Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманида яшовчи тадбиркор М.Усмонов, Қамаш туманида яшовчи Д.Маматов, Тошкент вилояти Қибрай туманида яшовчи, аграр университетининг I-

СОХТА ПУЛ  
ЯСОВЧИЛАР  
УШЛАНДИ

босқич талабаси, 1985 йили туғилган С.Сафаров ва молия институти III-босқич талабаси 1979 йилда туғилган М.Сафаровлар компьютерда босилган қалбаки 1000 сўм қийматидаги 152 дона купюраларни 100 АҚШ долларига сотаётганларида ушланганлар. Бундан ташқари М.Сафаровнинг вақтинча ижарага олган «Олимпия» мазсесидаги квартирасидан компьютер, принтер, сканер, «Тошшахарйўловчиторанс»нинг қалбаки талабалар ойлик чипталари, қалбаки 500 сўмлик 12 дона ва 1000 сўмлик 2 дона купюралар ҳамда бир нечта тайёр бўлмаган қалбаки пуллар топилган.

Ушбу ҳолат юзасидан терговни прокуратура ходимлари олиб боришмоқда.

Ш.РЎЗИЕВ,  
милиция майори

**Ватанга муҳаббат, уни кўз қорачигидек асрашга ундаш, Ватанга содиқ ва муносиб баркамол, комил фарзанд тарбиялаш ҳар бир ўқитувчи, тарбиячининг асосий мақсадидир. Мен 10-синфда "Бобур ижодида Ватан туйғуси ғояларининг тараннум этилиши" мавзусида баҳс-мунозара, мусобақа дarsi ўтказишдан аввал уларга фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини бердим, Темуррийлар ва Бобурийлар шажараси тасвирланган деворий газета, оҳанрабо тасмасига ёзилган куй ва Бобур газали билан куйланган кўшиқларни тайёрлаб қўйдим.**

Дарсни мумтоз мусиқа садолари остида шеър билан бошладим:

**Мирза Бобур — сен, фиғонинг  
Солди олам узра ўт,  
Шоҳ Машраб қони сенда  
Урди туғён, ўзбегим.  
Мен Ватанни бог деб айтсам,  
Сенсан унда битта гул,  
Мен Ватанни кўз деб айтсам,  
Битта мужгон, ўзбегим.**

— Азиз ўқувчилар! Бугунги дарсимизда атоқли давлат арбоби, тажрибали саркарда, истеъдодли шоир, адиб, тарихчи, заковатли олим, таржимон ва шу билан бирга мусиқашунос, санъаткор, расом, бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида олган билимларимизни мустаҳкамлаймиз. Бунинг учун икки гуруҳга бўлинамиз. Биринчи гуруҳдаги ўқувчилар "Шоҳ Бобур" ҳақида, иккинчи гуруҳдагилар эса "Шоир Бобур" ҳақида фикр юритишади. Ҳакамлар ҳайъатини сайлаймиз.

**Ўқитувчи:** (I гуруҳга савол) — Бобур қандай инсон бўлган?

**1-ўқувчи:** — Бобур адабиётининг Навоийдан кейинги энг эътиборли ва буюк вакилидир. У тарихимизнинг энг мураккаб, энг жозибадор драматик сиймоларидан биридир. У қирқ етти йил ҳаёт кечирди. Лекин бу суронли умри мобайнида у жаҳон тарихидан шавкатли ўрин олиб улгурди.

Ота-боболари яхши ниятлар билан залворли ном бериб атадилар. "Бобур"нинг арабчадаги маъноси шердир. У суврати сийратига ғоят монанд муаззам ва қудратли салтанатнинг муносиб вориси ўлароқ воёга етди ва сўнги нафасига қадар беқиёс шиддат, азим бир шижоат уни тарк этмади.

**Ўқитувчи:** (II гуруҳга савол) — Бобур неча ёшдан ижод қила бошлаган?

**2-ўқувчи:** — Бобур 16-17 ёшлардан бошлаб ижод қила бошлаган. У асосан ўз она тилида, қисман форсий тилида ижод қилган истеъдодли шоирдир.

Бобур ғазаллари мавзусига кўра хилма-хилдир. Унда ҳаётга қайноқ меҳр акс этган жўшқин ғазаллар ҳам, афсус-надомат тўла шеърлар ҳам бор. Бунинг сабаби шоирнинг ўз Ватанидан айро тушганидир.

Мумтоз мусиқа садолари остида "Топмадим" ғазалини ўқувчилардан бири ёд айтиб, сўнг шу кўшиқ эшиттирилади. Яна савол-жавоб давом эттирилади.

**Ўқитувчи:** (I гуруҳга савол) — Бобур қаерларга юриш қилди?

**4-ўқувчи:** — Бобур йигирма беш ёшида Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш мамлакатларининг аксарият қисмини эгаллаган ва улкан салтанатга асос солган.

Унинг сиёсати, ғарб илми асрлар давомида жаҳон ҳукмдорлари учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилди. Унинг ноёб тажрибалари Атилла, Олий Цезарь, Наполеон, Амир Темур сингари мумтоз давлат арбобларининг номлари билан бир қаторга қўйиб ўрганилади.

Бобур боболари орзу қилган салтанатни Ватанидан узоқда бўлса ҳам қуришга муяссар бўлган одил шоҳдир. Бу салтанат, яъни "Буюк бобурийлар" салтанати Ҳиндистонда уч асрдан зиёд ҳукм сурди. Энг сўнги Темурий ва Бобурий шоҳ сулоласи Баҳодир шоҳ II бўлди. 1857 йили, инглизлар Ҳиндистон пойтахти Дехлини босиб олганларидан сўнг, бобурийлар

салтанатига батамом барҳам берилди.

**5-ўқувчи:** — Бобур тажрибали, жасур шоҳ бўлган. У Шайбонийнинг 15 минглик-аскари турган Самарқандга ўзининг бор-йўғи

хос таржимаи ҳоли, ақлини таниганидан бошлаб, умрининг охиригача кечган ҳаёти солномаси, қувонч ва алам, зафар ва мағлубият тўла ҳаётининг қайдномаси, мукамал бадиий асардир.

**Ўқитувчи:** (I гуруҳга савол) — Бобур ҳақида буюк кишилар қандай фикрлар билдиришган?

**8-ўқувчи:** — Бобур шахсияти ва фаолиятини ҳинд мутахассислари шундай таърифлайдилар: "Бобур чиғатой турки, ота томонидан Амир Темурга ва она томонидан Чингизхонга туташиб кетади. Бобур Осиё тарихидаги энг ажойиб ва афсонавий шахслардан биридир. Бобур мустаҳкам иродали ва жасур лашкарбоши эди. У қаҳри қаттиқ истилочи эмасди. Қонли қирғинлар ва катта вайронагарчиликлардан завқланмасди. У ҳар қандай қийин ва хатарли шароитда ҳам тушкунликка тушмасди."

"Бобур салтанати марказлашган буюк давлат соҳиби Темур билан Акбар ўртасидаги кўприк эди. Унинг томирларида Чингизхон ва Амир Темур қонлари мавж урарди. Унда мўғулларнинг шиддаткорлиги, туркий халқларнинг жасурати ва истеъдоди мужассам эди."

**9-ўқувчи:** — Ҳинд олими Р.Н.Пант Бобурни шундай таърифлайди: "Бобур барваста, жуда бақувват бўлиб, сабр-қаноатли, ни-

хона саройлар, қальалар, масжидлар, мақбаралар ва гўзал оромгоҳ боғлар яратди.

Шоҳ Жаҳон Дехлида жуда катта ва гўзал жомеъ масжидини қурдирди, Аграда Мўти масжид, ажойиб қальалар бунёд эттирди. Аржуманд Бону васиятига мувофиқ бунёд этилган "Тож Маҳал" мақбараси мана уч юз йилдирки, Ҳиндистоннинг бебаҳо, энг ўлмас, кўркам, дурдона ёдгорлиги сифатида тан олинмоқда.

(Ўқувчиларга видео орқали "Тож Маҳал" фильмидан парча кўрсатилади.)

**Ўқитувчи:** (II гуруҳга савол) — Бобур ҳақида қандай бадиий асарлар ўқигансиз?

**12-ўқувчи:** — Мен Хайридин Султоннинг "Бобурийнома" маърифий романини ўқидим. Бу асарда 1992 йилда "Бобур" экспедициясида ушбу китоб муаллифи ҳам қатнашганлиги ва жуда қимматли маълумотлар билан Тошкентга келишганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Мен шу асарнинг сўнги бобига тўхталиб, Бобурийлар сулоласининг сўнги шоҳи Баҳодир шоҳнинг авлодлари ҳақидаги жумлани сўзлаб бермоқчиман. Яъни Локиза Султон Беғим исмли аёл, сўнги бобурий ҳукмдор — Баҳо-

топириб, ўзини тўшакка ташлайди. Ўғлига: "Тезда отангиз хузурига кириг", — деган хабар келади. Ўғли югуриб отаси ёнига кирса, у беҳол — кўзи юмук ҳолда тўшакда ётар эди. Шунда Ҳумоюн отасининг бўйнидан қучиб, пешонасидан ўпиб:

— Отажон, айтинг, энг сўнги армонингиз нима? Мен бажо келтирай, — дейди. Отаси: — Ўғлим, кошқийди ҳозир Фарғонанинг бир тилим кўкча қовуни бўлса, халқимни-элимни, Ватанимни кўргандай бўлар эдим, деган экан. Бу, Ватаним севмоқ иймондандир, Ватан муқаддас, она-Ватан деган олий туйғуларимизнинг ёрқин ифодаси эмасми!

**15-ўқувчи:** — Тўғри, Ватан муқаддас, бебаҳодир. Мана, менинг қўлимда бир ҳовуч она-Ватаним тупроғи. Бу Тупроғим Ватаним каби мен учун муқаддасдир. Ота-боболаримиз она тупроқни эъзозлаб, кўзларига суртишган. Мен мана шу она тупроғимда, она-Ватанимда яшаётганимдан беҳисоб бахтиёрман.

**16-ўқувчи:** — Лекин бундай бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Қанчадан-қанча улуг кишиларимиз чет элларда қолиб кетишди.

Бобур бобомиз ҳам армонда, Ватанларидан узоқда: "Насиб этса ҳокимни Ватанимга олиб борингиз", — дея оламдан кўз юмдилар.

Фақат мустақиллигимиз шарофати билан "Бобур" экспедицияси аъзолари чет элларга бориб, аждодларимиз қабрларини зиёрат қилиб, у ердан қанча қийинчиликлар билан қабрларидан бир ҳовуч хок тупроғини ўз она юртимизга олиб келишди.

Президентимиз ташаббуслари билан Бобур таваллудининг 510 йиллигига бағишлаб Андижонда Бобур Мирзо номидаги миллий боғ, Бобур Мирзонинг меъморий ёдгорлик мажмуи, шоир рамзий мақбараси ва "Бобур ва жаҳон маданияти" музейи барпо этилди.

Олиб келинган бир ҳовуч хок тупроғи шоир рамзий мақбарасига қўйилди.

Менимча бобомиз руҳлари ниҳоят таскин топди ва шод бўлди.

**17-ўқувчи:** — Президентимиз Ислам Каримов: "Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломулар, фозилу фузалолар, олим уламулар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан", — деб айтганларидай, ҳар бир инсон ўзлигини англашга, тарихини билишга қизиқади.

Демак, биз ўзлигимизни англари эканмиз, бизда миллий туйғу, миллий гуруҳ, ифтихор уйғонади ва Ватанимизга, халқимизга бўлган муҳаббатимиз ошади.

Ватанимизнинг равнақи, аввало биз ёшларнинг камолига боғлиқ. Бу эса ҳар биримизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга давбат этади.

**Ўқитувчи:** — Азиз ўқувчилар, биз сиз билан бугунги дарсимизда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодида оид олган билимларимизни янада болайтдик. Унинг ўлмас сиймоси ва нодир бебаҳо асарлари билан танишар эканмиз, бизни муқаддас бўлган она-Ватанни жондан севиб ардоқлашга ва ҳар томонлама соғломкомил инсон бўлишимизга ундайди.

Мен дарсимни яқунлар эканман, Президентимиз Ислам Каримовнинг: "Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни, инсон ўзлигини англаганини, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдири отиб, юксала боради. Бу илдири қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади", — деган ажойиб сўзлари билан яқунламоқчиман:

Дарс якунида ҳакамлар голиб гуруҳни аниқлашди ва баҳоларини эълон қилишади.

**Гулжамил АЪЗАМХҲАЕВА,  
Юнусобод туманидаги  
105-мактаб муаллимаси**

# БОБУР ИЖОДИДА ВАТАН МАВЗУСИ

икки юз кишилик кўшини билан ҳужум қилишга журъат этган эди. Ва уларни қалъадан ҳайдаб чиқарди. Бобур Иброҳим Лўди кўлидан қудратли Ҳиндистонни ҳеч бир арзимас куч ёрдамида тортиб олган эди.

У хўжалик, ободончилик, илм-фан, санъат ва адабиётга, қурилиш иншоотлари ва ҳинд халқининг ҳаётига жуда катта аҳамият берди. Ва умрининг охиригача бунга амал қилди. У ота-боболари сингари ўз сулолаларининг мустаҳкамлигига катта эътибор берди. Шу билан бирга ўз она тилини, миллий кадрларини, урф-одатларини унутмади.

**Ўқитувчи:** (II гуруҳга савол) — Бобур шеърларида Ватан туйғуси мавзуси қандай ифодаланган?

**6-ўқувчи:** — Бобур шеърларида ҳижрондан шижоат, она юртга бўлган муҳаббат, Ватанни кўмсаш оҳанглари катта ўрин эгаллайди. У ғурбат, ҳижрон билан боғлиқ бўлган воқеий кечинмаларни қатор рубоий ва мактубларида қалб садолари орқали ифода этади.

Мумтоз куй остида Бобур рубоийларидан намуналар ўқилади:

**Толъ йўқи жонимга  
балалиг бўлди,  
Ҳар ишники, айладим,  
хатолиг бўлди.  
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори  
юзландим,  
Ё раб, нетайин,  
не юз қаролиг бўлди.**

Бобур буюк рубоийнавис сифатида, рубоий жанрига қундалик, ҳаётий мазмунни киритди. Унинг рубоийлари сарсон-саргардон кечган ҳаётининг иқрорномаларидай таассурот қолдиради.

**Ўқитувчи:** — "Бобурнома" қандай асар?

**7-ўқувчи:** — "Бобурнома" Бобурнинг бутун умри давомидаги эсдаликларидир. Унинг ўндан ортик қўлёзма нусхалари бўлиб, жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланмоқда. "Бобурнома" тарихий-бадиий асардир. У 1494 йилдан, яъни Бобур тахтага чиққанидан 1530 йилгача — умрининг сўнгигача юз берган воқеаларни ўз ичига олган.

"Бобурнома" Бобурнинг ўзига



ҳоятда шижоатли довюрак инсон эди ва ўзининг Бобур, яъни Шер деган номини тўлиқ оқлади. Шу билан бирга Бобур икки забардаст йигитни икки қўлтиғига қисиб олиб, Агра қалъаси девори устидан югуриб юришни тез-тез машқ қиларкан. У тенги йўқ сузувчи бўлиб, йўлда учраган барча дарёларни сузиб ўтган экан. У яхши нотик, истеъдодли лашкарбоши эди. Унга тенг келадиган подшоҳ топилмайди."

**10-ўқувчи:** — Тарихчиларнинг айтишича, Бобур ботир ва пахлавон саркарда бўлиши билан бирга, нозик ҳисли, юмшоқ табиатли, кўнгилчан киши бўлган. Одамларидан бирортаси вафот этса қайгурар, ўпкаси тўлиб йиғлар эди. Дўстларига жуда меҳрибон, халқидан эса ҳеч нарсасини аямас эди.

Осиёнинг йирик давлат арбоби ва мутафаккири Жавоҳарлаъл Неру: "Бобур — дилбар шахс. У уйғонш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган", — деб баҳо берган.

**Ўқитувчи:** — Бобурийлар сулоласи ҳақида қандай фикрга эгасиз?

**11-ўқувчи:** — Бобурийлар орасида энг кўп шон-шўҳрат қозонган Шоҳ Жаҳон бўлди. У ўттиз йиллик шоҳлик даврида ўнта шаҳарни бунёд этди ва обод айлади, шо-

диршоҳ Зафар зурёдларидан бири эканлиги маълум бўлди. У киши Баҳодиршоҳ Зафарнинг эварасидир. У ҳозирда Дехлининг жанубида ҳаёт кечирмоқда.

Уша пайтда инглизлар Баҳодиршоҳнинг барча ўғилларини ўлдиришган. Ёлғиз беш яшар ўғли Мирзо Фотиҳ-ул-мулк Баҳодирнингина содиқ мулозимлари қалин ўрмонга яшириб, бир қанча вақт шу ерда тарбиялайдилар. Шу тарзда у тирик қолган.

**13-ўқувчи:** — Мен П.Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романини ўқиганман. Бу асарда Бобур ҳақида батафсил ҳикоя қилинади. Бу асарни ўқиб, Бобурни ниҳоятда хушфеллигига, меҳрибонлигига қойил қолдим. Масалан, Бобурнинг энг сеvimли хотини, дўсти, вафодори Моҳим беғим эди.

**14-ўқувчи:** — Мен Имомжаъфар ўғли Саидгаффор ҳожининг "Кўнгил дафтари" китобини ўқидим. Бу китобнинг "Ватан ишқи" бобидаги ҳикоя менга жуда таъсир қилди. Ҳиндистондек улкан мамлакатнинг султони Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1530 йил август-сентябрь ойларида ўз тахтига ўғли Ҳумоюнни ўтказиш тавоғини кўради. Саройда катта базм, тантана. Бобур эса ўз харамгоҳида шоҳ асари "Бобурнома"нинг энг сўнги жумлаларини ёзиб тугатади-да, қўлёзмани хаттотга

## Qutluq 'ostona

Мақтаб остоналарида қалбларни жунбушга солиб янграган "Сўнги кўнгирак" жаранларининг акс-садо-си ҳозирда анча босилган бўлса-да, бироқ бу наво ҳаяжони ҳалигача битирувчи синф ўқувчиларни тарк этиб улгургани йўқ. Чунки ёзги таътилга ошиққан кичик ёшдаги мактабдошларидан фарқли ўлароқ улар учун шу кунларда синовлар палласи бошланган. Дастлабки синовлар бу — умумий ўрта таълим мактабларидаги битирув имтиҳонлари бўлса, кейингиси — катта ҳаёт остонасидаги ёшларнинг келажак йўлларини белгилаб берувчи олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш синовларидир.

Албатта, келажакка нигоҳ қадаган ўқувчи ўғил-қизларимизнинг олдиндаги масъулиятли имтиҳонлардан

да юртимиз таълим тизимидан амалга оширилаётган туб ислохотлар самараси бўй кўрсатажак. Демак, орзулар рўёби юз очадиган онлар яқин. Бунга шу кунларда етуклик шаҳодатномаларини олаётган битирувчи синф ўқувчилари дил изҳорларига кулоқ тутиб яна бир бор ишонч уйғонади кишида.

**Азамат ҲАМРОЕВ, Жомбой туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси:**

— Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган академик лицей ва касб-хунар коллежлари биз тенги ёшларнинг айна дилидаги гап бўлди.

Олдинда икки йўл турибди: Академик лицейни тамомласамми ёки касб-хунар коллежиними? Лицейлар олий ўқув юртларига кириш учун пойдевор вазифасини ўтайди. Коллежлар эса маълум касб эгаси тайёрлай-

**Навоий номидаги республика Нафис санъат лицейи ўқувчиси:**

— Ўзимизга ҳамон бола бўлиб кўринса-да, аслида мустақил ҳаётга қадам қўядиган вақт келди. Шуларни хаёлимдан ўтказар эканман, бирдан биз қачонлардир шу кунни интизорлик билан кутган, аммо энди шу куннинг чўзилиб кетишини хохлаётганимиз етуклик шаҳодатномаларини олиш онлари кўз олдимда гавдаланади. Сифдошлар билан ажралишни тасаввур қилган сари қалбимнинг қаеридадир бурканиб ётган бир хис мени ҳеч тарк этмади. Бу туйғуни шунча уринсам-да, тилимда ҳеч қачон баён қила олмайман.

Умрини, ҳаётининг мазмунини биз каби ўқувчиларида, деб биладиган, кўзининг гавҳари-ю сўзининг жавҳарини шогирдларига бағишлайдиган муътабар устозларга бўлган чексиз меҳрим ва ҳурматимни кўнглимнинг

ҲАМ ИЛМ,  
ҲАМ КАСБ-ҲУНАР

Жорий йилнинг 12 июнида Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам институтида битирув кечаси бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов, Тошкент Ислам университети ЮНЕСКО кафедраси мудири А.Ҳасанов ҳамда Саудия Арабистонининг юртимиздаги фавқуллода ва мухтор элчиси, "Мовароуннахр" нашриёти, "Ҳидоят" журналы ва "Ислам нури" газетаси бош муҳаррирлари иштирок этдилар.

Битирув кечасини Тошкент Ислам институти ректори А.Азимов очар экан, жорий йилда имом-хатиб, Араб тили, Одбонма, Диншунослик фанлари ўқитувчиси мутахассисликлари бўйича тахсилни якунлаган 150 нафар битирувчиларнинг келажакдаги юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшувчи фарзандларни камол топтиришдек эзгу ишларига оқ йўл тилади. Шундан сўнг сўз Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбари, муфтий ҳазратлари битирувчи талабаларни илиқ сўзлар билан табриқлаб, уларнинг келажакдаги барча хайрли ишларига муваффақиятлар тилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, институт толиби илмлари тахсил давомидида нафақат диний илмлар, балки дунёвий фан билимлари билан бир қаторда кўплаб касб-хунар сирларини ҳам эгаллашди. Эътиборлиси, битирувчиларнинг барчасига шу куннинг ўзидаёқ меҳнат фаолиятларини бошлашлари учун ҳозирда республикамизда расмий фаолият юритаётган жомъе масжидларида имом-хатиб бўлиб ишлашлари учун йўлланмалар берилди.

Тадбир сўнгида институтнинг жамоат ишларида фаол иштирок этган, ўқиш давомидида аъло ва яхши натижаларга эришган битирувчи талабаларга фахрий ёрликлар топширилди.

\*\*\*

Худди шундай битирув кечалари Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли пойтахтимиздаги "Қўқалдош", Андижон вилоятидаги Сайид Мухйиддин Маҳдум номидаги ўрта махсус ислом билим юртларида, Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий ҳадис илми марказида ҳамда Хадичаи Кубро хотин-қизлар ўрта махсус ислом билим юртларида ҳам бўлиб ўтди. Таъкидлаш лозимки, юртимизда ташкил этилган мазкур ўқув юртларининг битирувчиларини қутлаш, уларнинг халқ имон-эътиқодини мустаҳкамлаш, юрт фаровонлигини таъминлашдаги эзгу ишларига муваффақиятлар тилаш мақсадида Ўзбекистон республикаси Президент девони маъсул ходимлари, Вазирлар Маҳкамаси Дин ишлари бўйича кўмита вакиллари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ходимлари, битирувчи талабаларнинг ота-оналари ҳамда меҳмонлар ташриф буюрдилар.

Шуниси эътиборлики, мазкур ўқув юртларида талабаларнинг замон талаблари даражасида илм-фан сирларини эгаллашлари учун барча қулайликлар яратилган бўлиб, улар дин илмидан ташқари умумтаълим фанлари билан бир қаторда миллий хунармандчилик санъати компьютер оператори, кичик ҳисобчи мутахассис, сартарошлик, дурадгорлик каби касб-хунар сирларини ҳам мукамал эгаллашди. Муҳими, ушбу таълим ўчоғини муваффақиятли тамомлаган толиби илмлар исломшунос, диншунос, одбонма, араб тили фани ихтисосликлари йўналишида педагог мутахассислиги бўйича дипломга эга бўлишди.

Маросимда сўзга чиққанлар мадраса мударрисларидан диний билимлар билан бир қаторда дунёвий ҳамда кўплаб касб-хунар сирларини мукамал эгаллаган талабалар келгусида ўз эзгу меҳнатлари билан Ватан равнақиға муносиб ҳисса қўшажакларига ишонч билдиришди. Битирувчилар ҳам ўз навбатида ота-оналари, устозлари, қолаверса, эл-юрт ишончини оқлашга сўз бердилар.

**Ж.НУРИДДИНОВ,**  
Ўзбекистон мусулмонлари  
идораси таълим ва кадрлар  
тайёрлаш бўлими мудири

ОРЗУЛАР РЎЁБИ  
ЮЗ ОЧГАН ОНЛАР

муваффақиятли ўтишларига шубҳа йўқ. Чунки улар бугунги кунда юртимизда кечаётган таълим тизимидаги ислохотлар самараси ўлароқ энг сўнги русумдаги ўқув жиҳозларига эга таълим муассасаларида ўқитишнинг янги педагогик технологиялари асосида замон талаблари даражасида илм фан, касб-хунар сирларини чуқур эгалламоқдалар. Бу давлатимизнинг, халқимизнинг ютуғи. У кишида юрт эртасининг истиқболига ишонч уйғотади. Ана шу беназир туйғуни бугун умумий ўрта таълим мактаблари қучоғидан катта ҳаётга залворли одим билан кириб боришга шай 9-синф битирувчи ўғил-қизлари нигоҳига боқиб ҳам туйишингиз шубҳасиз. Зеро, улар аввалги йиллардаги битирувчилар каби нафақат ўрта маълумотга эгаллигини тасдиқловчи бир парча қоғоз (хужжат) балки, умумий ўрта таълим мактабиди ўқиган дастлабки онлариданоқ кўплаб фан сирлари қаторида маълум соҳа йўналишини ҳам эгаллашга лаёқати борлиги акс эттирилган Республика ташхис маркази тавсияномасини ҳам олишди. Бу эса ўқувчининг нафақат билим, балки касб-хунар сирларини ҳам мукамал эгаллашига туртки бўлади. Шу жиҳатдан қараганда шу кунларда умумий ўрта таълим мактабларида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 июндаги 235-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома"ни олаётган илк битирувчиларнинг юзларида кўпчиган ҳаяжондан қалбингиз энтикади. Зотан, улар истиқболи-

ди. Менга таълимнинг коллеж йўналиши ёқади. Чунки уни ўқиб чиққач, ҳам касб эгаллайсан, ҳам олий ўқув юртига кириш имкониятига эга бўласан. Бундан ташқари, яқин келажакда билишимча, ширкат хўжаликлари негизда кўплаб мустақил фермер хўжаликлари ташкил этилади. Отам фермер бўлиш ниятида юрибди. Демак, хўжаликка битта ҳисобчи керак. Унинг ишини юритадиган мутахассис лозим. Шунинг учун мазкур ўқув юртида тахсил олмоқчиман. Чунки ҳар бир киши табиий эҳтиёж ва шароитдан келиб чиқиб касб-хунар эгаллайди. Хунарли инсон эса элда ҳаммиша азиз.

**Зебо ШОТЕМИРОВА, Жомбой туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси:**

— Мактабимизда мусиқа мутахассисиси йўқ. Орзуим — Самарқанд давлат университетининг мусиқа факультетига ўқишга кириш, ҳақиқий мутахассис бўлиб, мактабимизда дарс бериш. Мени бир муаммо ўйлантиради. Маълумки, ҳар йили кўплаб мусиқа мутахассислари тайёрланапти. Бироқ назаримда, улар ёш авлодга таълим-тарбия беришдан кўра, кўпроқ маблағ топиш йўлига ўтиб олмоқдалар. Бизнинг эса мусиқий билимимиз ҳаминқадарлигича қолаётир. Нари борса, куй ноталарини биламиз ҳолос. Мусиқани нолада ёзишни-ку сўраб ўтирманг. Ниятим, мана шундай муаммоларни имкон қадар бартараф этиш.

**Навбахор АЙТБОЕВА, Алишер**

туб-тубига жойлаб, кўзларимдагина уларга миннатдорчилик билдира оламан. Илм сандиғини очиб берган биринчи ўқитувчимга ва болаликнинг беғубор онларига, ўсмирликнинг тотли дамларига шерик бўлган жонажон сифдошларимга толе ёр бўлишини тилайман.

**Зевара АҲМЕДОВА, Зангиота туманидаги 26-мактабининг битирувчи синф ўқувчиси:**

— Кунлар, ҳафталар ўтиб, ҳаш-паш дегунча болалигимиз, шўхлигимиз кечган иккинчи уйимиз — жонажон мактабимизни тарк этмоқдамиз. Гарчи етуклик шаҳодатномасини қўлимизга олаётган бўлсак-да, кадрдон гўшадан ҳеч айрилгимиз келмас, жажжи укаларимизга қараб, улардек яна 1-синф ўқувчиси бўлиб қолишни жуда-жуда хоҳлаймиз. Сўз санъатининг даҳоси, бобомиз ҳазрат Алишер Навоий инсон умрини мафтункор табиатнинг тўрт фаслига қиёслаб, умр фаслининг навбахорини ёшлик, деб атаганлар. Бу бежиз эмас, албатта. Ёшлик давридаёқ ҳаётнинг айрим муҳим қарорларини қабул қилишга тўғри келади. Жумладан, касбни тўғри танлаш, мактабни тарк этаётган ҳар бир ёшнинг олдида турган энг катта саволлардан биридир. Албатта, мазкур саволга жавоб топиш бизнинг ўзимиз учун биров оғирлик қилиши тайин. Шу боис тўғри йўлни танлашимизда ота-оналаримиз, устозларимиз ўғити қолаверса, мактабда маълум касбга нисбатан орттирган меҳримиз қўл келиши шубҳасиз.

**Баҳодир ЖОВЛИЕВ,**  
"Ma'rifat" мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси, Ташқи ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Британия Кенгаши ва Вестминстер университети (Буюк Британия) ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсата бошлаган халқаро Вестминстер университетининг бир гуруҳ муаллимлари умумтаълим мактаблари, ихтисослашган мактаб-интернатлари ва академик лицейларнинг 100 дан зиёд битирувчилари меҳмони бўлишди. Вилоят ўқувчилар саройида ўтказилган учрашувдан асосий мақсад янги университетни мактабни битирувчи йигит-қиз-

БИЛИМ —  
ҚУДРАТЛИ КҮЧ

Халқаро Вестминстер университети муаллимлари андижонлик  
битирувчилар билан учрашдилар

ларга тўлароқ таништириш, бу нуфузли илм даргоҳига кириш тартиби, талабаларга яратилган шарт-шароит ва қулайликлар борасида маълумотларни етказишдан иборат эди.

—Бизнингча, кўзланган мақсадга эришилди, — деди университет муаллими Рустам Қодиров. — Андижонлик иқтидорли ёшларнинг келгусида Вестминстер университети талабалари бўлишига ишонсаман. Чун-

ки учрашувда иштирок этган ёшларнинг қизиқиш ва интилишлари буни яққол англатиб турибди.

—Мен «Умид» жамғармаси йўлланмаси орқали Буюк Британияда тахсил олиб, айни пайтда халқаро Вестминстер университетида иқтисод фанидан дарс бермоқдаман, — дейди университетнинг яна бир муаллими Умид Алиев. — Шуни мамнуният билан ёшларимиз-

га таъкидлашни истардимки, университетимиз жаҳондаги энг ривожланган давлатлар олий ўқув юртлари билан бе-малол рақобатлаша олади. Бу фикрни ўзим тахсил олган Буюк Британиядаги университетлар билан Вестминстер университетини таққослаш орқали айтмоқдаман. Чуқур билимли, мушоҳадаси кенг, қизиқувчан ҳар бир ёш мазкур университет талабаси бўла олади.

Энг аввало, университетнинг ташкил этилиши Ўзбекистон ёшларининг жаҳон сари юзланишлари ҳамда билим ва салоҳиятларини намоиш этиш учун ниҳоятда кенг имкониятдир.

Халқаро Вестминстер университетида бизнес, иқтисодиёт, ахборот технологиялари ва ҳуқуқ йўналишлари бўйича таълим берилади. Дастлабки кириш имтиҳонларида 817 нафар йигит-қиз қатнашиб, уларнинг 212 нафари талаба бўлди. Учрашувда университет муаллимлари битирувчиларни қизиқтирган саволларга апроф-лича жавоб қайтардилар.

**О.СИДДИҚОВ,**  
махсус мухбиримиз

Аксарият кишилар маданий хордиқ чиқаришга ўзининг руҳий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ёндошади. Айниқса, қўшиқ эшитиш бобига. Санъаткорни танлайди, унинг қўшиқлари орасидан дилга яқинроғини саралашга тутинади: Лекин миллий қўшиқчилик санъатимиз саҳнасида шундай ижодкорлар борки, уларнинг ижроси сизни ҳар қачон ҳам ўзига мафтун эта олади, гўё сеҳрлидай. Ана шундай сеҳр соҳибларидан бири «Ma'rifat»нинг бугунги меҳмони Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов. У киши билан қўшиқчилик санъати хусусидаги суҳбатимиз устозликни улуғлаш руҳида кечди.

### Mehmonxona



— Камолиддин ака, гарчи сизни халқимиз яхши таниса-да, мухлис сифатида яқиндан билиш истаги кўпчиликка хос деб ўйлайман.

— Ўзбекнинг оддий оиласида, 1943 йил кишида Наманган шахрининг Заркент маҳалласида туғилганман. Бобом зиёли, отам ишчи, онам эса уй бекаси эдилар. Болалигим II-жаҳон уруши ва кейинги тикланиш даврида кечган. Шу боис ўша давр болалари қатори тезда «катта» бўлганмиз. Ўйиндан кўра кўпроқ меҳнатнинг чарчоғини ҳис қилиб ўсганмиз. 17 ёшимда Аҳмад Фарғоний номидаги 19-мактабни тамомладим. Мактаб пайтларидаяқ Намангандаги 4-шаҳар маданият клубига, санъат уйига бориб юрардим. Қўшиқчилик санъатини ўзимга касб деб билиб, санъаткор сифатида яшаб, ижод қилдим. Турмуш ўртоғим Кифоятхон билан 4 ўғил, 3 нафар қизни тарбиялаб вояга етказдик. Барчаси эндиликда олий маълумотли мутахассис сифатида турли соҳаларда фаолият кўрсатапти. Биргина Хусанжонимиз санъат йўлини танлади. Орзуим, унга ҳам халқнинг назари тушсин.

Ҳозир бир этак неваралар курсовида шукроналик билан яшаб юрибмиз. Умуман санъат турмушимнинг, ҳаётимнинг сермазмунлигини таъминлади. Ўзимни, оиламни, қолаверса, фарзандларимни тарбиялади.

— Одатда катта саҳнадан жой олган санъаткорларни ёш ижрочилар устозимиз, сабоғини олганмиз, уларга эргашамиз, ўрганамиз дея таъкидлашади. Лекин ўша катта ёшдаги санъаткорлар билан суҳбатлашсак, миллий санъатимиз даргаларини эслайди. Улардаги айрим хусусиятлар, ўзига хос жиҳатлар ҳақида сўзлайди.

— Албатта, бу табиий. Чунки ҳар бир одам устоз тушунчасини ўзича қабул қилади, англайди. Шунга яраша ифодалади. Такрор бўлса-да, айтиш жоизки «Устоз — отангдек улуғ» деган ту-

шунчани бу миллат шунчаки айтган эмас. Бу жумлада ўзбекнинг минглаб йиллар давомида тўплаган тажрибалари, ҳаётини кузатишлари, хулосалари мурасам. Шунинг учун ҳам устозлик мартаба даражасида талқин қилинади. Санъат шундай соҳаки, бунда устоз ва шогирдлик ришталари ўта нозик ва нафис, инсоннинг жисмиатидан кўра руҳиятига даҳлдор деб ўйлайман. Масалан, хунарманд ўз шогирдининг қўлидан ушлаб, қайси асбоб-ускунани қандай тутиш лозимлигини, тайёрландиган буюмнинг аввал қай бир қисмига ишлов беришни амалда тушунтира олади. Лекин санъаткорга мусиқа асбобини қандай тутиш ёки чалишни ўргатишнинг ўзи устозлик ҳисобланмайди. Устозлик — саҳнада ўзини тутиш, ижро маҳоратини шакллантириш, ижро мазмунини эътиборда тутиш, тингловчига нисбатан эҳтиромни ижро орқали етказа олиш каби кўникмаларни ривожлантириш, шогирдига сингдира билишда намоён бўлади. Шогирд ҳам ўз навбатида устознинг энг нозик хусусиятларидан, санъаткорона маҳоратидан, хулқ-атворидаги кўнглига яқин жиҳатларидан баҳраманд бўла олиши лозим. Бунинг учун унда дид, нафосатни ҳис эта олиш қобилияти, интилиш ва меҳнатсеварлик фазилатлари мужассамлашмоғи жоиз. Бировнинг бир иккита қўшиқларини маромига етказиб айтиб қўйиш билан ўзини шогирд санаса ҳам тўғри бўлмайди. Ёки бирор кўзга кўринган хофизнинг катта давраларда — фалончи менинг шогирдим — дегани билан устоз-шогирдлик вужудга келиб қолмайди. Бунда бир жиҳат борки, уни эътиборсиз қолдириш мумкин эмас. Яъни санъат сирлари бошқа, ижро сирлари бошқа. Илк устозларим бўлган Жўра машшоқ Бойхонов, Турдали Саъдуллаев, Абдурашид Воҳидовлардан санъат сирларини ўрганганман. Улар санъаткор доимо халқ ора-

сида, давраларда ва саҳналарда бўлади, у ҳеч қачон, ҳеч кимда ёмон таассурот қолдирадиган хатти-ҳаракат содир этмаслиги, сўз айтмаслиги лозим. Бу мажбурият кишига катта масъулият юклайди. Ҳамиша ҳам жисмини, ҳам руҳини пок тутиши, мухлислардан ўзини юқори қўймаслиги, учрашувларда оддий кишиларга ўз миннатдорчилигини билдиришдан чарчамаслиги керак, дея ўқтиришган. Бу санъаткорни халққа яқин

тутиб туради. Назардан қолишдан сақлайди. Ва биз шуларни санъат сирлари сифатида қабул қилганмиз.

И ж р о  
сирларини  
эса,

асосан ўз кузатишларимиз натижасида

Фахриддин Умаров, Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодировлардан илғаб олишга ҳаракат қилардик. Улар ижросига хос бўлган бир умумийлик шунда эдики, саҳнага чиққанларида томошабиннинг ҳаммасига бирдек таъсир этадиган ўринли табассум, ҳар бир мухлис қалбига жойлашиб қоладиган таъзим изҳор этадилар. Ҳеч вақт микрофонда мухлисларга «аккли» гаплар айтмасдилар. Улар ўз мухлисларига изҳорларини, туйғуларини ўз қўшиқлари орқали етказишни афзал кўрардилар. Шу мақсадда қўшиқ учун матн танлашга чинакам ижодкорона ёндошар эдилар. Санъатдаги ҳаётимнинг асосий қисмини қўшиқ учун матн танлаш, қидириб топишга сарфлаб уларга эргашдим. Қўшиқ матнида ҲАКИҚАТ, ОДАМИЙЛИК, ТАБИИЙЛИК сезилиб турса ва булар ижро давомида янада

бўрттириб берилса, мухлис миннатдор бўлади. Матн мазмуни қанча энгил бўлса, зийрак эшитувчининг ҳамиятига тегади. Ўзига нисбатан озгина эътибор, меҳр сезмаса, бундай қўшиқни тинглашдан осонликча воз кечади. Булар мен билган ижро сирлари эди. Хулосаларим, санъатда устозлик — ибрат кўрсатиш, шогирдлик — санъаткорликка муносиб бўлиш билан чамбарчас боғлиқ.

— Маълум бир тажрибага эга санъаткор сифатида айтингчи, қўшиқчиликнинг рақс санъати билан уйғун жиҳатлари нимада? Умуман ҳар қандай қўшиққа ҳам рақс жўр бўла оладими?

— Ўринли савол. Бу менинг аксарият қўшиқларим рақслар ижроси билан куйлангани билан ҳам боғлиқ бўлса ажабмас. Ҳар иккиси алоҳида бир кўринишга эга санъат турлари бўлсада, моҳиятан бир хил — инсоннинг ҳолатлари ифодаси, тиллашиш ва диллашиш воситаси. Лекин, қўшиқнинг рақс билан ижро этилиши мазмун тушунилишини энгиллаштиради. Қўшиқ матнидаги сўзлар, жумлалар маъносини рақсдаги кичик бир ҳаракат элементи очиб беради. Бу умумий ижрода бошқарув на қўшиқчида, на раққосада бўлади. Ҳар иккиси ҳам бир-бирига ҳамоҳанг бўлишга интилиши керак. Масалан, қўшиқнинг бир сатри 10 та нота ижроси узунлигида айтиб тугатилсаю, ушбу сатр мазмунига хос раққоса ҳаракати тугалланмаган бўлса куйлаётган санъаткор оҳангга мос овоз ёки ёрдамчи товуш билан узлуксизлиқни таъминлаши керак. Шу жиҳатдан қўшалок ижроларнинг ҳам ўз мураккабликлари бор.

Унинг нақадар мутаносиблигини холис томошабин баҳолайди. Ёш ижрочилардан мухлисларнинг баъзан кўнгли тўлмади қолади. Бунинг бош сабаби ҳам юқорида айтганимиз матн мазмунидаги энгиллик, ижродаги номутаносиблик деб биламан.

Шу ўринда бир фикр. Замонавий қўшиқчилик санъатида «клип» деган нарса кенг ўринга эга бўлиб борапти. Айрим қўшиқлар 5-6 минут ижро этилади ва шу вақтнинг 70-80 фоизини матн мазмуни ифодаловчи ви-

деотасвирлар эгаллайди. У кишида ўнлаб қисмли сериаллардан кўра кўпроқ таассурот қолдиради. Лекин баъзи клипларда туриш-турмушимизга ёт, дунёқарашимизу менталитетимизга салбий таъсир этадиган лавҳаларнинг мавжудлиги, афсуски улар ёшлар томонидан олқишланиши кишини ранжитади. Бу борада радио-телевидение ўзига хос рақобат, ижобий маънодаги кураш майдони бўлиши керак.

Ҳозир ўзбек қўшиқчилигида уч йўналиш: мумтоз ижролар, халқ қўшиқлари ва эстрада услублари кўзга яққол ташланади. Ҳар бир йўналиш ўз мухлисларига эга. Мумтоз ижро шинавандаларини эстрада руҳидаги концертларга мажбурлаб олиб боролмаймиз, зўрлаб қарсақ чалдира олмаймиз. Ёки аксинча, эстрада мухлисларига халқ қўшиқларини тушунтиришга уриниш фойдасиз. Қўшиқнинг умрибоқийлиги унинг савиясига, ижро маҳоратига боғлиқ. Баҳони тингловчи беради. Қўшиқ юракка яқин бўлиши керак. Халқоналик санъаткорнинг беағи.

— Сўнгги савол. Эл орасида таниқли, ўз касбининг моҳири сифатида яшадингиз, яшаяпсиз. Таниқли ёзувчилардан бири «Ўзимдаги барча яхши ҳислатлар учун китобдан миннатдорман» деган экан. Шу маънода Сизни машҳурлик даражасига олиб чиққан нарса нима деб биласиз?

— Аввало тарбиямизга жиддий қараган ота-онамиз ибрати, меҳри. Қолаверса, Наманган шаҳрида мен ўқиган 19-мактаб муаллимлари, биринчи ўқитувчим. Улардан бир умр қарздорман. Буюқ бобомиз Навоийнинг «Ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранжила, айламак бўлмас адо онинг ҳаққин минг ганжила» — дея берган ўғити ҳамиша ҳамроҳим. Устозларга муносиб бўлиш ҳаётини шiorим. Ҳар бирига алоҳида таъзим қилишдан чарчамайман. Бугунги янги авлодни тарбиялаётган, таълим бераётган, сабру шижоат тимсоли бўлган муаллимларни замонамиз қаҳрамонлари дегим келади. Уларга энг эзгу тилақларимни билдираман.

Каримжон  
АБДУРАҲМОВ  
суҳбатлашди

**P.S. Санъаткор билан суҳбатлашиб бўлгач, таълим соҳаси жонкуярларидан бир кичкина қўшимча маълумотга эга бўлдим. Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов Наманган шаҳрида халқ таълими тизимига мунтазам кўмак бериб келар, мактабни ўзига маслакдош деб билар эканлар. Тилагимиз, ҳар бир саҳоватнинг савоби бисёр бўлсин.**

# ЎҚИЙМАН, ДЕГАНГА

бизнинг илм масканимизда шароит ва имконият бор.

Мен аввал оддий мактабда таҳсил олар эдим. 16-лицей ҳақида эшитдим, шу ерда ўқиш орзуси менга тинчлик бермади. 2000 йил лицейга келдим. Бу ерда ўқувчиларни танлов асосида ўқишга олишар экан. Лицейга кириш осон бўлмади. Бир нечта танлов ва имтиҳондан сўнг орзуларим амалга ошиб, лицейга қабул қилиндим. Ўша куни мендан бахтли инсон йўқ эди гўё. Бу даргоҳга ўқишга кириб хато қилмаганлигимни тушуниб етдим. Чунки бу ерда ўқиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Ўқитувчи ва тарбиячиларимиз бир-биридан ширинсўз ва меҳрибон. Уларнинг муомаласидан уйимиздан узоқдалигимизни ҳис қилмай яшаймиз.

Бундан ташқари ошхона, кутубхона ва спорт майдончаси доимий ишлаб турибди. Ошхонада ҳар куни 4 маҳал мазали таомлар тайёрланади. Турли хил витаминларга бой маҳсулотлар мунтазам бериб борилади. Кутубхонамизда ҳамма фанларга оид китобларни, журнал ва газеталарни олиб ўқиймиз.

Бўш вақтларимизни чиниқиш ва соғлом бўлиш учун спорт майдончасида ўтказишга ҳаракат қиламиз. Спорт майдончамиз қайта таъмирланиб, турли хил спорт анжомлари билан таъминланди.

Ётоқхонада яшаш ҳамда

дарсларга тайёрланиш учун яратиб берилган шароитлар жуда яхши.

Айтишларича, биздан аввал лицейни тамомлаб кетган опа-акаларимизнинг 80-90 фоизи турли олий ўқув юрларида таҳсил олмақдалар. Бу йил мен ҳам шу ерда олган билимларимни синаш мақсадида биринчи марта вилоят олимпиадасида қатнашдим ва фахрли 2-ўринни эгалладим. Бу ютуқни қўлга киритишимда устозларимнинг ёрдамлари катта бўлди. Мен ўз навбатида уларга миннатдорчилик билдираман. Янги ўқув йили учун 30 нафардан ўқувчи қабул қилиш режалаштирилган. Мен ҳам 6-синфга укам ва 7-синфга жиянимни олиб келмоқчиман. Синфлар математика ва химия-биология фанига ихтисослашгани ва инглиз тили чуқурлаштириб ўргатилиши сабабли, мен шу фанлар бўйича уларни танловга тайёрламоқдаман. Мен келажакда тиббиёт институтига кириб ўқиб, халқим учун хизмат қиладиган етук инсон бўлиб етишишни истайман. Шундай лицейда ўқиётганимдан чин дилдан фахрланаман.

**Нуриддин ИСАҚОВ,**  
Анджон вилояти Улугнор туманидаги  
16-лицей-интернат ўқувчиси

Ёшларнинг бирор касбга

Tanlov

қизиқишларини ҳозирданоқ ривожлантириш, улар ўртасида билим олиш ва изланишда ижобий рақобат муҳитини яратиш мақсадида "Бунёдкор" ёшлар телеклуби Республика техник ижодиёт маркази билан ҳамкорликда "Жамиятда тутган ўрнингиз қандай?" мавзусида кўрик-танлов ўтказди. Унда қатнашган 60 нафардан зиёд билимдон ва тиришқоқ болалар туман жамоалари таркибидан учта шарт бўйича беллашди. Ўқувчиларнинг илмий ва ижодий, техникавий фикрлашларини Давлат патент идораси ва Республика техник ижодиёт маркази ходимларидан иборат ҳакамлар ҳайъати ҳар томонлама синаб кўришди. Ва намойиш этилган кўргазмалар, ўқувчиларнинг фикр юритишлари, аудитория олдида ўз имкониятларини кўрсата билиш қобилиятлари инobatга олиниб жамоалар иши баҳоланди.

1-ўринга 4 нафар "кашфиётчи"лари билан иштирок этган Шайхонтоҳур туман ўқувчилар техник ижодиёти

## ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИНГИЗ ҚАНДАЙ?

маркази жамоаси лойиқ топилди. Кейинги ўрин Мирзо Улугбек тумани, учинчи ўрин эса Юнусобод тумани кўшимча таълим маркази жамоаларига nasib этди. Ғолиб жамоалар "Бунёдкор" сертификати ва ҳомийлар совғаси билан тақдирланди. Шунингдек, энг яхши иштирокчилар деб топилган Ҳамза тумани вакили Анвар Мирёқубов, С.Раҳимов тумани вакили Зиёд Шомоҳмудов ва Шайхонтоҳур тумани жамоаси аъзоси Улугбек Тошхоновларга Давлат патент идораси ва Республика техник ижодиёти марказининг фахрий ёрликлари топширилди. Умуман, барча иштирокчилар яратган учар фозовий жишлар, ҳаракатланувчи ва функцияли техник воситалар, фазовий кема станцияси, пароходнинг реактив двигатели, ҳайкалтарошлик ва ёғоч ўймакорлиги йўналишидаги ишлар ўз баҳосини топди.

Насиба ЭРХОНОВА,  
"Маърифат" мухбири

# СУД ҲОКИМИЯТИ ҚАЧОН МУСТАҚИЛ БЎЛАДИ?

Узбекистон Конституциявий суд, Олий ва Олий ҳужалик судлари, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Узбекистон миллий ахборот агентлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорлигида "Суд ҳоқимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Семинарда "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Конституциявий суд ва оммавий ахборот воситаларининг роли" ҳақида Узбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси У.Бозоров, "Ислохотларни қўллаб-қувватлашда журналист позициясининг ўзига хослиги" ҳақида Узбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий сиёсий жамғармаси ҳамраиси Ҳ.Дустмуҳаммад, "Суд ҳоқимияти мустақиллиги" ҳақида Узбекистон республикаси Олий суди раисининг уринбосари Б.Жамолов, "Суд ҳоқимиятини мустаҳкамлашда прокуратура органларининг роли", ҳақида Узбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг судларда фуқаролик ишлари курилишида прокурор ваколатларини таъминлаш бўлими бошлиғи И.Жасимов, "Суд ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан матбуот уртасидаги

муносабат" ҳақида ҳуқуқшунос — журналист Ҳ.Олимжоновлар маъруза қилди.

Биз келтирган маърузаларни ўқиётганимизда ҳаёлингиздан нималар кечганлигини билиб турибман. Чунки, семинар дастури билан танишаётганимда мен ҳам сиздек бу семинар одатдагидай зерикарли, мажбуран утказилаётган оддий бир йиғилишбозлик булса керак деб уйлагандим. Аксинча, унда айтилган фикрлар, баландпарвоз куракда турмайдиган қоғозий гаплар эмас, балки ҳаётий эканлиги менинг уйлаганларимни чипакка чиқарди. Гапимни исботлаш учун Ҳуршид Дустмуҳаммаднинг биргина мулоҳазасини келтирсам: "Қонунларда курсатилгандек суд ҳукми чиқмагунча журналист бўлаётган воқеа ҳақида мақола ёзиб матбуотда chop этишга ҳаққи йўқ. Ваҳоланки суд ҳукмини муҳокама қилиш ҳам таъқиқланади! Бу жойда журналист қандай йул тутиши керак?" — деган мулоҳазали саволи залда бироз сукут сақланишига сабаб бўлди. Бундан ташқари журналистларнинг бир томонлама ёзаётган танқидий мақолаларига салбий муносабат билдирилди.

Хуллас анжуманда куриб чиқилган масалалар таъсирида Суд ҳоқимиятининг мустақил бўлиши янада тезлашади деб умид қилиш мумкин.

Шерзод АҲМАТОВ  
"Маърифат" мухбири

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Каранкулсой қишлоғида республика ўқувчиларининг «Тог сайёҳлиги» мусобақаси бўлиб ўтди. Етти кун давомида барча вилоятлардан келган мактаб ўқувчилари ўзларининг спорт, санъат, экология каби қўплаб соҳалардаги ютуқларини намойиш этдилар. Бир-бирлари билан ўртоқлашиб, ўз ҳудудлари тарихи ва бутуни ҳақида ҳикоя қилиб беришни ҳам унутмадилар. Мусобақада иштирок этган барча ўқувчилар-

## ЁШ САЙЁҲЛАР БЕЛЛАШУВИ

нинг хотирасида умрбод ёрқин сақланиб қоладиган бу беллашувда Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги Ҳ. Рўзиқулов номли 13-мактабнинг «Истиқлол» гуруҳи 1-ўринни эгаллади.

Иккинчиликни Самарқанд ва Наманган вилоятлари жамоалари эгаллашди. 3-ўрин эса мезбон — Тошкент вилояти сайёҳларига nasib этди.

Назокат ХОЛМЕТОВА

## «ТАБИАТ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА»

Халқ таълими вазирлиги тизимидаги «Bioekosan» ўқув-услугий мажмуасида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган 56 нафар ўқувчи иштирокида. Республика ўқувчиларининг «Табиат: кеча, бугун, эртага» анжумани утказилди.

Анжуман 4 шуъбада: «Маҳалла ободлиги халқ фаровонлиги», «Табиат бойликлари ва биологик хилма-хилликни сақлашнинг ҳозирги кундаги масалалари», «Атроф муҳит ва инсон саломатлиги», «Ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш» йўналишлари бўйича иш олиб борди.

Шуъбалар бўйича Навоий вилояти Кармана тумани 15-мактаб 10-синф ўқувчиси Дилно-

за Исаева, Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани 1-лицей мактаб 8-синф ўқувчиси Дилдора Маматқулова, Навоий вилояти Зарафшон тумани 8-мактаб 8-синф ўқувчиси Наргиза Элмуродова, Сирдарё вилояти Музробод тумани 1-лицей мактаби 9-синф ўқувчиси Элёр Жумаевларга биринчи уринлар nasib этди. Ғолибларга Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиги, Республика таълим маркази ва «Bioekosan» мажмуасининг диплом ва эсталик совғалари топширилди.

Ҳасан ЖАЛОЛОВ,  
Мажмуанинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари.

Эллиққалъа туман маркази Бўстон шаҳрида ўтказилган «Табиатни асрайлик!» номли танловда тумандаги барча корхона, ташкилот, муассасалар, ўқув юрлари, маҳалла кўмиталари, овул оқсоқоллари иштирок этишди.

Танлов шarti эрта баҳорда туман ҳудудига экилган 135 минг тупдан ортик манзарали, мевали дарахт ва тут ниҳоллари ҳамда илгаридан мавжуд бўлган дарахтлар парваришларининг боришини кўздан кечириш, соҳадаги нуқсонларни бартараф қилиш, «Оқча», «Аёз-қалъа», «Думанқалъа», «Қирққиз» ва бошқа кўллар ҳамда захкашларда руҳсатсиз балиқ овлаш, саҳрода ов қилишнинг олдини олиш, шунингдек, атроф-муҳит тозаллиги, озодалигига эътибор қаратишдан иборат эди.

Туман ҳоқимлиги томонидан тузилган ҳайъат аъзолари ҳулосасига кўра 22-ўрта мактаб, Бўстон иқтисодиёт ва ижтимоий касб-ҳунар коллежи, Навоий номли маҳалла жамоалари биринчи ўринни эгаллашди.

Ғолиблар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқаро «Экосан» фонди, табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси, «Соғлом авлод» жамғармалари томонидан қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

М.АЙТИМОВ

**Moziydan sado**

Ўзбекистон тарихи давлат музейида арабларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши ва ислом динининг тарқалишини моддий ва маънавий ашёлар билан ёритиб берилиши алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир.

Ислом дини дунёга кенг тарқалган энг катта уч диннинг бири бўлиб, у дастлаб VII асрнинг бошларида Арабистон ярим оролида пайдо бўлди, VII-VIII асрлардан сўнг Осиё, Африка ва Европа қитъаларига тарқалиб, бу жойдаги халқларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнаган динлардан биридир.

Ислом дини Ўрта Осиёга босқинчилик ва мажбуран истило йўли билан тарқатилди. Ўрта Осиёни босиб олишда араб лашкарбошиларида Қутайба ибн Муслим катта роль ўйнади. У 706 йил Пойикентни, 711-712 йилларда Бухоро, Самарқанд ва бошқа жойларни босиб олди. Араблар ерли йирик зодагонлар билан тил бириктирган ҳолда, аҳолидан энг яхши ерларни тортиб олиб, халққа оғир солиқлар солдилар.

Араб босқинчилирига бўлган нафрат кўпинча халқ галаёнларига айланди. Айниқса, 776-783 йилларда энг йирик галаён "оқ чодирлар" ҳаракати бўлиб, уни Ҳошим ибн Ҳаким (Муқанна) бошқарди. Бу кўзғолон маҳаллий зодагонларга ва арабларга қарши кўтарилган ҳаракат эди.

Ислом динини туб аҳолининг онгига сингдириш ва ривожлантириш ниҳоятда қийин кечган. Бухоро аҳолиси ҳар сафар ислом лашкари келганда мусулмон бўлар, араблар қайтиб кетганда эса улар яна ўз динига қайтар эдилар. Қутайба ибн Муслим Бухоро аҳолисини уч марта ислом динига итоат эттирган, ва ниҳоят, тўртинчи марта жанг билан Бухорони олиб, ислом динининг мавқеини мустаҳкамлаган.

Лекин шунга қарамай, Туркистонда ислом динининг тарқалиши катта тарихий воқеа ҳисобланган, чунки у Зардушт динига нисбатан анча такомиллашган дин эди. Натижада VIII-IX асрларда ислом дини бутун Туркистон ўлкасини

қамраб, маънавий ҳаётнинг таркибий қисмига айланади.

Марказий Осиёдаги туркий халқларнинг азалдан бир тангрига ишонганлиги ислом динини қабул этишларига сабаб бўлди. Чунки ислом дини ҳам айнан, бир Аллоҳга (тангрига) эътиқод қилишни тарғиб қилади.

Дарҳақиқат, христиан (насронийлик) ўзига мерос қолган эски ва маданият асарларини йўқ қилиш билан шуғулланган бўлса, ислом ўз соғлом моҳиятига кўра қадимий Шарқ, Юнон, Эрон, Туркистон ва қисман Ҳиндистон тафаккур маҳсулидан янги бир маданий синтезни вужудга келтирди.

**ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК  
АКС ЭТГАН  
ЛАВҲАЛАР**

Музейдаги махсус витринада "Усмон Қуръони" асл кўлёмасининг нусхаси қўйилган. Бу Қуръон айни вақтда VII аср араб ёзувидаги нодир ёдгорликдир.

Ислом дини таълимоти бўйича Қуръондан кейин иккинчи ўринда турадиган муқаддас манба бўлган Муҳаммад (САВ)нинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек, унинг диний ва ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олган ҳадисларда: "Ғарчи Чинга бориб бўлса ҳам, илм ўрганишлар, чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарзидир" деб айтилишининг ўзи бу диннинг қанчалик илм-фан, маданиятни юксалтириб, унинг ривожланишига кенг йўللار очиб берганини кўрсатади. Ислом инсонларни икки дунё саодатига эришишга даъват этадиган, илоҳий таълимотларни ўзида мужассам этган бўлиб,

у биронта давлат, миллат ёки муайян гуруҳларга мансуб бўлмай, инсонни энг азиз муқаррам зот сифатида эъзозлайдиган самовий динларнинг сўнгисидир.

Зеро, Аллоҳ Қуръони каримда: "Дарҳақиқат, Биз одам фарзандларини азиз ва муқаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизда от-улов ва кемаларга миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни ўзимиз яратган кўп жонотлардан афзал қилиб қўйдик" дегандир ("Исро"-70).

Бу дунёда инсонлар ягона бир диннинг уммати эмас, балки турли диннинг вакиллариридир. Шубҳасизки, бу соҳада ҳам буларга энг буюк

улар ирк, ранг, насаб, тил қандай бўлишидан қатъи назар, ҳамма бирдек инсондир, инсониятнинг шараф-шони ва фазилати унинг дини Ислом йўлида қилган амалларига боғлиқдир, деб кўрсатилган.

Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон жаҳон маданиятининг кўҳна ўчоқларидан биридир. Аждодларимиз ислом дини кириб келишидан аввал ҳам бой меъморчилик, ҳунармандчилик анъаналарига эга эдилар.

Бу юртга ислом дини кириб келиши билан маҳаллий анъаналар ислом маданияти билан уйғунлашди. Натижада ислом дини янада ривожланиб, илоҳий илм даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг ислом динининг бугунги маънавий ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида Президентимиз Ислом Каримов алоҳида тўхталиб: "Биз ислом дини ҳақида гапирганда, аввало Аллоҳ ва унинг расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улуг алломаларимиз, улуг имомларимизни тасаввур қиламиз. Мана шу кўтулғу заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат — Термизий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдухалиқ Гиждувоний, Замахшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улуг номлар билан боғлаймиз. Аллоҳ ҳар доим қалбимизда, юрагимиздадир" — деб айтган эди.

Музей экспозициясида биз юқорида тилга олган пири комил уламоларимиз томонидан ёзилган асарлардан айрим лавҳалар берилган.

Ўзбекистон кўп миллатли давлат, лекин шунга қарамай ерли туб халқлар табиатида бошқа миллатларнинг вакилларига нисбатан кенг феълликнинг мавжудлиги, соф инсоний туйғулarning ўзаро қадрланиши, турли дин вакилларининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилишлари, бу юртда олиб борилган тўғри миллий сиёсий ва диний бағрикенгликнинг буюк натижаси ва ютуғидир.

**Ирпон ТҲУТИБЕВ,**  
Ўзбекистон тарихи давлат музейининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди

Зомин туманидаги «Истиклол» номли 35-мактаб Оқар қишлоғидаги бирдан бир маънавият ва маърифат ўчоғи ҳисобланади. Шу маънода у нафақат ўқувчиларнинг машғулот ўтказадиган маскани, балки қишлоқдаги барча йигит-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда тарбия ўчоғи ҳам ҳисобланади. Ҳозир таътил бўлишига қарамадан мактабда турли тўғараклар фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, ёшларни касбга йўналтириш тўғаракларида машғулот қизғин. Бичиш-тиқиш тўғаригада ўқувчилар билан биргаликда, мактабни олдин битириб кетган қизлар ҳам тикиш сирларини кунт билан ўрганишмоқда. Тибби-

45 килограмм вазнлилар ўртасида биринчи ўринни эгаллади. Олим Турсунмуродов эса, ўз вазни бўйича иккинчи ўринни қўлга киритди. Оқорида таъкидлаганимиздек, қишлоқ ёшлари ўзларининг бўш вақтларини мактабда, турли тўғаракларда касб ўрганиш билан ўтказишмоқда. Бунда бичиш-тиқиш тўғараги раҳбари Зебо Сулаймонова, тиббиёт тўғараги раҳбари Қадирисо Бобоева ёшлар билан мунтазам машғулот олиб бориб, улар ишончини оқлагипти. Шунингдек, бошланғич синф ўқитувчилари Мақсуда Бегимқулова, Дилбар Маматкулова, Барно Қаршибоева, фан ўқитувчилари Абдуқадир Тўхтамишов, Норкул Қаршибоевлар ҳам таътил

Мактабда амалга оширилаётган хайрли ишларда унинг раҳбари Жуман Сафаровнинг хизмати катта. У шу мактабда салкам қирқ йилдан буён ўқитувчи, раҳбар лавозимларида ишлаб келаяпти. Ўқувчиларни замона талаби даражасида тарбиялаш учун таълим-тарбиянинг энг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш унинг бирдан-бир мақсади. Ўқитувчиларга методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида мактабда ноанъанавий дарсларга кенг ўрин берилган. Ж.Сафаров нафақат мактаб балки қишлоқ ҳаётида ҳам фаол қатнашади. У бир неча йил вилоят кенгашининг депутати сифатида Оқар қишлоғида кенг кўламда ободонлаштириш, қишлоқ турмуш ма-

**МАКТАБ УЧУН  
ТАЪТИЛ БЎЛМАЙДИ**  
*Qishloq yoshlari*

ёт тўғараги ҳам ўқувчилар, қишлоқ ёшларига билим ва кўникмаларни ўргатмоқда. Жисмоний тарбия тўғараги мактаб қошида ташкил этилган жонли тўғараклардан бири. Тўғарак бир неча йўналишда машғулот олиб бораёпти. Кейинги пайтда таэквандо тўғарагига ишқибоз йигит-қизлар сафи кенгаймоқда. Унга Жиззах вилоят таэквандо федерацияси аъзоси Ҳаёт Рўзиев раҳбарлик қилади. Ҳозир тўғаракнинг 50 нафардан кўпроқ аъзоси бор. Тўғаракка 7-18 ёшда бўлган йигит-қизлар жалб этилган. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган вилоят мусобақасида 8-«А» синф ўқувчиси Нодира Саримсоқова

кунлари ўқувчилар билан қизиқарли тадбирлар ўтказишда бош-қош бўлмоқдалар. Яқинда «Энг яхши дарсхона» кўрик-танлови якунланди. Қишлоқдаги ободончилик самарадорлигини ошириш мақсадида янада «Энг обод хонадон» кўрик-танлови ўтказилди. —Таътил кунларидан унумли фойдаланиш бизнинг асосий иш усуллари-миздан бири, — дейди мактаб раҳбари Жуман Сафаров. — Биз баҳорги таътилда мактабда кенг кўламда таъмирлаш ишларини ўтказдик. Ёзги таътил бошланиши билан таъмирлаш ишларини қизитиб юбордик. Бу борада ота-оналар кўмитаси бизга катта ёрдам кўрсатмоқда. Мактабда таъмирлаш ишларини яқин кунларда ниҳоясига етказамиз.

даниятини юксалтириш борасида хайрли ишларга етакчи бўлди. Мактаб ўқувчиларининг бир қисми давлат имтиҳонларида иштирок этишаётган бўлса, ўқувчиларнинг асосий қисми ёзги таътилга чиқишди. Лекин ўқитувчилар фаолияти ва мактаб ҳаёти учун таътил бўлмайди. Мактаб жамоаси биринчи галда таъмирлаш ишларини тез ва соз тугаллашга ҳаракат қилмоқда. Шундан сўнг ўқувчиларнинг, қишлоқ ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун мактабда турли тадбирлар, учрашувлар уюштирилади. Хуллас, мактаб кучоғида жўшқин ҳаёт жўш урмоқда.

**Абдусаттор СОДИҚОВ,**  
«Ma'rifat» муҳбири

**ЎҚУВЧИЛАРГА  
ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР**

Тасаввур қилинг, ўқувчи мактабга дарслик сиз борса ёки ўқитувчи томонидан берилган уй вазифасини дафтарига "илдириб" қўйса-ю яқин кўмақдоши — дарсликнинг йўқлиги боис топшириқни бажара олмасдан устозга юзланса, айбдор ким? Эҳтимол, савол нотўғри қўйилгандир. Чунки, илмга ташна ўқувчи дарслиги бўлган бирор синфдош ўртоғиникига бориб, вазифани бажарар ва бу иши учун аъло баҳо билан сийланар ҳам.

Бироқ бу ҳол бутун бир ўқув йили мобайнида давом этса-чи? Унда ана шундай масъулиятли ўқувчининг ҳам ўқитувчи олдида мулзам бўлиб қолмаслигига ким кафолат бера олади?

Юртимизда кечаётган таълим тизимидаги ислохотлар самараси ўлароқ дарсликларнинг янги авлодини нашр этиш ва уни ўқувчи қўлига етказиш мақсадида олиб борилаётган бугунги изланишларга айни шу жиҳатдан ёндошсақ, кўтарилган масаланинг нақадар муҳимлигини сезиш қийин эмас. Бу борада эса ҳатто хорижий давлатлар билан ҳам ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилганлиги аҳамиятлидир.

Куни кеча ана шундай эзгу мақсадли саъй-ҳаракатлар натижасида Россия давлати томонидан юртимиз ўқувчилари учун қўшимча адабиёт сифатида 80 номдаги 400 минг дона дарслик ва ўқув кўланмалари совға қилинди. Уни Россиянинг Ўзбе-

кистондаги Фавқуллоҳда ва Мухтор элчисининг маслаҳатчиси Сергей Губенко топширди.

Республика таълим марказида ўтказилган дарсликларнинг тақдимот маросимида Республика халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлидинов сўзга чиқар экан, Ўзбекистон — Россия дўстона муносабатларининг самимий тарзда кенгаётган кўламига эътиборини қаратди.

— Ота-она борки, фарзанди тақдирга бепарқ бўлмайди, — деди Р.Аҳлидинов. — Шу боис ўғил-қизларимизнинг чуқур билим эгаллашлари йўлида Россия ҳукуматининг ушбу хайрихоҳлигини қадрлаймиз. Бу эса давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларининг

янада теранлашаётганлигидан даракдир. Албатта, бу эътироф бежиз эмас. Зотан, Ўзбекистон — Россия ўртасидаги дўстона муносабатларни нафақат таълим, балки барча соҳаларда кўриш мумкин. Буни китоблар тақдироти маросимида сўз олган Ўзбекистондаги Россия маданияти маркази раҳбари С.Герасимова ҳамда юртимиз ўқитувчилари ҳам таъкидлашиб, унинг янада ривожланишига ишонч билдиришди.

**Баҳодир ЖОВЛИЕВ**  
«Ma'rifat» муҳбири




**Taqdimot**

# МУХЛИСЛАРГА ЯНГИ ТУҲФА

Сиз ёзувчи ва ношир Бахтиёр Омонни "Юрак оғриқлари", "Умр дафтари", "Сиёсий етакчининг нотиклик маҳорати", "Нотикнинг нуфузи" китоблари, жаҳон адабиёти забардаст номдорлари Жек Лондон, Лао Ше, Лев Толстойдан ўгириб чоп этилган таржималари орқали яхши танийсиз. Яқинда Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйда чоп этилган унинг янги «Boburning bolaligi» деб номланган китобида бой ўтмиш меросимизга, бугунги куннинг энг муҳим, қизиқарли, ўйга толдирадиган воқеа-ҳодисаларига синчков назар ташланади.

Китобдан ўрин олган ҳикоялар барчаси сермазмун ва таъсирчан. Учала ҳикоянинг қаҳрамонлари ҳам ёш ўсмирлар. Ёзувчи умрининг энг нозик, энг инжиқ, энг эрка даврини ўтаётган ўсмирлар руҳиятини мазкур ҳикоялар қаҳрамонлари мисолида очиб кўрсата олган, десак бўлади.

"Навоийга қайтиш", "Соҳибқирон сабоқлари", "Но-



тиқлик — санъат", "Уржуза ёки 1326 байт тиббий ўғит", "Ваъдабозлик", "Нурота тарихидан лавҳалар" каби бир қатор эсселар ҳам теран фикрлар акс этганлиги, қизиқарли маълумотлари билан ўқувчиларни жалб қилади. Эсселар мавзулари ҳар хил бўлсада, уларнинг барчасининг муштарак жиҳати бор — ёзувчи ўзини алдамай, самимий ёзади. Сатрлардаги самимият сизга юқиб,

тоза ҳаводан тўйиб нафас олгандек ҳис қиласиз ўзингизни.

Бахтиёр Омон — сўзга ниҳоятда нозик муносабатда бўладиган ижодкор. Буни ушбу китобга жамланган эсселар ҳам тасдиқлайди — барчаси ихчам, лўнда ва маънодор. Шу маънода "Boburning bolaligi" ёш ижодкорларга ибратли қўлланма вазифасини ҳам ўтайди.

Хулоса қилиб айтганда, истеъдодли публицист, ёзувчи ва таржимон Бахтиёр Омоннинг ушбу янги китоби ҳам адабиёт мухлислари учун муносиб туҳфа бўлди, десак янглишмаймиз. Яна бир аҳамиятли томони, китоб янги ўзбек алифбосида чоп этилган.

Ҳ.НИШОНОВ



Узумчилик республика кишлоқ ҳўжалигининг қадимий муҳим соҳаларидан бири. Ўзбекистон ажойиб узум навлари билан дунёга машҳур. Узумчилик эса соҳа сифатидагина эмас, балки фан сифатида ҳам алоҳида ўрин тутиши ҳеч кимга сир эмас.

Ҳозирги даврда олий ўқув юртлари талабаларининг турли фанлардан чуқур билим олиши, уни ишлаб чиқариш амалиётида татбиқ этишларида ўзбек тилидаги адабиётларнинг аҳамияти каттадир. Шу

## ЎЗБЕКИСТОН УЗУМЧИЛИГИ:

### у дарсликда акс этди

боис, етук олим ва педагог Ш.Темуров томонидан чоп этилган "Узумчилик" дарслиги ижобий воқеа бўлди.

Дарсликнинг ҳозирги кунда узумчилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, фан ва илғор таж-

рибалар ютуқларини инобатга олган ҳолда ёритилганлиги эътиборга лойиқдир. У кейинги 30 йил ичида ўзбек тилида тақдим этилган илк манбадир. Унинг ҳажми 13,5 босма талокни ташкил этиб, кириш ва 4 қисм, 50 дан ортиқ расм ва жадвалларни ўз ичига олган. Мундарижа ва келтирилган адабиётлар китоб мазмунига мос келади.

Қишлоқ ҳўжалиги, хусусан узумчилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, ижара ва оила

пудратлари, шаклланаётган мулкчилик синфи, дунё тоқчилиги, узум етиштиришнинг замонавий технологияси, навларни зоналар бўйича жойлаштириш, тоқ кўчатларини иссиқхоналарда ва яшил қаламчаларда, гидропоника усулларида етиштириш, хиёбон ва уй деворларида ўстириш, ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш усуллари дарсликда ёритилган.

Дарсликнинг намунавий дастурига, давлат таълим стандартларига мос тарзда ёзилганлиги муаллиф-

нинг кўп йиллик илмий, амалий ва педагогик тажрибага эга эканлигини кўрсатади. Дарсликнинг нашр этилгани нафақат шу йўналишдаги олий ўқув юртлари талабалари, шунингдек, магистрлар, малака ошириш курсларида билим олаётган ходимлар, қишлоқ ҳўжалиги, хусусан боғдорчилик ва узумчилик коллежлари ўқувчилари, ёш соҳибқорларни ҳам қувонтиради, деб ўйлаймиз.

Х.ШОУМАРОВ,  
Тошкент давлат аграр университети доценти,  
қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди



Гулистон Матқубова «Ҳаяжоннинг етти ранги», «Ойдин остона», «Севиб қолсин», «Бахт келтирган баҳор» ва бошқа шеърлий китоблар муаллифи. Яқинда унинг ижодий ишлари сафига «Мухаббат юрти» деб номланган яна бир янги китоби кўшилди.

Шоира ўзи туғилиб ўсган юрт меҳр-муҳаббати, халқига бўлган фарзандлик бурчи ва садоқатини оқлаш ниятида ўттиз йилдан бери

## БЕШИНЧИСИ НАСРИЙ ЙЎЛДА

қўлида қалам, дилида яратиш ишқи билан одамлар даврасига кирди, уларнинг бунёдкорлик ишларидан, ҳаёт тарзларидан завқланиш ҳиссини туяди. Орол ва Оролбўйи фожеаларидан ташвишга тушади, ота-боболари йўлини давом эттириб Ёнбошқалъа чўллари бўстонга айлантираётган ёшлар шижоатидан илҳомланиб, қалам тебратади.

Гулистон шу йилларда кўрганлари, ўзи иштирок этган кураш ва яратувчилик йўлидаги кечинмалар ҳамда туғилиб ўсган юртига бўлган адоқсиз меҳрининг назмга сингдирилмаган сатрларини жамлаб, «Мухаббат юрти» деб атади ва уни ўқувчилар ҳукмига тортиқ қилди. Бу шоиранинг насрдаги биринчи ва умидли қадами. Ушбу китоб сиз азиз ўқувчиларга манзур бўлади, деб умид қиламиз.

Баҳром ҲАМДАМОВ

## ҲАММАГА ҚЎЛ КЕЛАДИ

Чет тилларидан дарслик яратишга энг шарафли вазифа сифатида қарашимиз ва унинг муаллифларини ардоқлашимиз керак. Аммо чет тилларини урганиш, она тилини эсдан чиқариши ва унга эътибор бермаслик ҳисобига бўлмасин. Чунки авваллари хорижий тилларни урганишда ўзбек тили эмас, рус тили воситачи бўлиб келган эди ва бунга сабаб хорижий тиллардан лугатларнинг деярли йўқлиги эди.

Профессор Сано Саидовнинг "Немис тили грамматикаси машқларда" дарслиги олий ўқув юртлари 1-, 2-курс талабалари учун 304 соатлик дастур асосида тайёрланган.

Муаллиф бу дарсликни яратиш жараёнида немис тили грамматикасини талабаларимизга янги технологиялар асосида тез ва чуқур ўргатиш учун ҳаракат қилган. Бу дарслиқдан нафақат бўлажак немис тили мутахассислари, балки мактаб, ли-

цей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, талабалари, ўқитувчилар, аспирантлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Дарслиқда яна бир жиҳатта катта эътибор берилган. Унга Германия олий ўқув юртлари 1-2-курс талабаларини ўқитишда фойдаланиладиган материаллар лексикаси асос қилиб олинган. Дарслиқда 76 та мавзу бор. Бир мавзу 4 қисмга бўлинган. Биринчиси назарий қисм. Иккинчиси машқлар. Учинчиси мустақил ишлар. Туртинчи қисм лаборатория ишлари.

Умуман, С.Саидовнинг немис тили грамматикасига оид дарслиги олий ўқув юрти талабалари учун ўз вақтида тузилган бўлиб, тил урганишга нисбатан эҳтиёжни маълум маънода қондиради.

Ш.ИМЯМИНОВА  
ЎЗМУ хорижий филология факультети катта ўқитувчиси

Эртақлар бутун жаҳон халқлари оғзаки ижодига хос бўлиб, улар ўртасида фарқдан кўра ўхшашликлар кўпдир. Сабаби, аждодларимиз анъанавий тафаккурида мифологик тасаввур етакчи бўлиб, улар бутун борлиқни илоҳийлаштирганлар, инсонийлаштирганлар, барча нарсаларда руҳларнинг ижодини кўрганлар. Жумладан, эртақларни ҳам сеҳрли кучга эга ҳақиқат деб билишган. Ҳар бир уруғ-қабилла, элатларнинг махсус эртақчилари бўлган. Таниқли эртақчилар ўзбеклар орасида XX асрнинг 50-йилларида ҳам кўп эди.

## ЭРТАҚЛАР ҲАҚИҚАТИ

Қадимий халқларда эрталлаб топишмоқ, кечалари эртақ айтиш қатъий одатга айланган. Негаки, топишмоқда муаммо бор. У ҳосиятли вақт — эрталлаб ҳал қилинса, яъни, топишмоққа жавоб топилса, кишиларнинг кун бўйи муаммолари осон ҳал бўлади, деб ишонганлар. Табиийки, аждодларимиз эртақларга ҳам шундай маъно берганлар.

Маълум бўладики, бобо-момоларимиз эртақлар одамларни



турли кўринмас балолардан ҳимоя қилишларига инонганлар. Уларнинг фикрича, тун — оқшом ёвуз руҳларнинг яйрайдиган вақти бўлиб, эртақлар шу сабабли кечалари айтилган.

Хақаслар январь ойининг энг узун, зулмат оқшомларида эртақчини чақириб, деу ялмоғизлардан голиб чиққан қаҳрамонлар ҳақида эртақ эшитганлар. Эртақ оддий баён этилса, пиёда, бирор мусиқа асбоби жўрлигида айтил-

са отлиқ эртақ деб юритилган.

Олимларнинг таъкидлашича, қадимда кўпгина халқларда узок киш кечалари камида учта эртақ айтиш одати бўлган. Аждодларимиз ҳар эртақ айтилганда, уй атрофида биттадан темир доира пайдо бўлиб, уч доира уларни ёвуз руҳлардан ҳимоя қилишига астойдил ишонилган.

Шубҳасиз, туркий аждодларимиз ҳам қадимда эртақларга юқорида айтилган хусусиятларни хос деб ўйлаганлар.

Фольклоршунос олим Фарҳод Ҳамроев тўплаб нашрга тайёрлаган, "Маънавият" нашриётида чоп этилган, йигирмата ажойиб эртақни жамлаган "Сеҳрли кетмон" китобида ана шундай ғаройиб эртақлар жамланган.

Ҳозирда эртақлар билан боғлиқ мифологик қарашлар унутилган бўлса-да, улар мажозий шаклда инсоний фазилатлардан сабоқ берувчи маънавий мерос, болаларнинг сеvimли асарларига айланди. Эртақлар асосида бутун жаҳонда ажойиб мультфильмлар яратилмоқда.

Тўплам китобхоналар ва фольклоршунос олимларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Аскар МУСАҚУЛОВ,  
филология фанлари доктори

## КУТУБХОНА — НУРХОНА

Абу Райҳон Беруний номидаги Марҳамат туман марказий кутубхонасига қалам ранжида қилсангиз, бу ердаги озодаликни, саранжомликни, саришталикни кўриб дилингиз қувнайди. Шинам, кенг зал. Тартиб билан териб қўйилган китоблар киши диққатини беихтиёр ўзига тортади. Зеро, китоб инсон қалбига куч-қувват, онг-шуурига ривож бағишлайди. Ёзувчи Ойбек таъбири билан айтганда; «Инсониятнинг бутун ҳаёти китобда мужассам. Шу боисдан кутубхонани нурхона дейишади. Бугун кутубхонадаги 299 минг 850 та китобдан ўқувчилар беминнат фойдаланмоқда. Китобхоналар сони эса 42832 нафар кишига етди.

Кутубхонада «Қалампир» номли ҳажвий-танқидий деворий газета чиқарилади. Таҳририят ходимлари Зарифа Давлатова, Зарфира Раҳмонова, расом Тўланбой Расуловлар газетани ўқишли қилиб, ҳар чоракда мунтазам чиқаришмоқда. Шунингдек, «Ёш қонуншунос», «Ёш ўлкашунос», «Китобсеварлар», «Ёш табиатшунос», «Ёш ҳуқуқшунослар» клублари ишламоқда. Булардан ташқари «Энг яхши кутубхоначи», «Энг яхши кутубхона», «Энг қизиқарли ёзилган сценарий»лар ва кутубхоначиларнинг «Кутубхона — маънавият ўчоғи» кўриктанловлари ҳам йил давомида ўтказилади.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ,  
Марҳамат шахри

Шарқда, хусусан, Ўрта Осиёда тасвирий санъатнинг гуллаб-яшнаган даври XIV-XVI асрларга тўғри келади. Тасвирий санъатнинг жуда узоқ тарихи давомида вужудга келган мўъжаз тасвирий санъат (миниатюра) нафақат Ўрта Осиё ва Шарқ, балки жаҳон маданиятига жуда катта улуш бўлиб қўшилди. Айниқса, Темурийлар сулоласи ва ўша давр билан боғлиқ санъатни алоҳида таъкидлаш лозимдир. Бу даврнинг буюк наққош, мусаввирлари ўзларининг ўлмас асарлари билан жаҳон тасвирий санъатида ўчмас из қолдирдилар. Бу асарлар жаҳоннинг турли давлат ва шахсий кутубхоналарида сақланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мўъжаз тасвирий санъат устаси ва пири бўлган Камолиддин Бехзод (1455-1537)нинг жуда кўп шогирдлари бу борада узоқ, самарали меҳнат қилдилар. Улар Рим, Озарбойжон, Мовароуннахр, Хирот, Бағдод, Хин-

дистонда турли санъат мактабларини барпо этдилар. Мўъжаз тасвирий санъат усталари ишлаган ва бизгача етиб келган бой меросдан ўша даврнинг ишлаб чиқариши, маданияти ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида жуда кўп маълумотларни оламиз. Бу асарлар композицион жиҳатдан мукамаллиги, рангларнинг бой чашмаси, мавзуни тўла ёрита олиши ва тушунилиши осонлиги билан ўзига ром этади. Шарқ ренессанси деб юритиладиган X-XV асрларда санъатнинг барча турлари қаторида китобат санъати ва у билан боғлиқ бўлган қоғоз ишлаб чиқариш, муқовасозлик, наққошлик, хаттотлик ва миниатюра санъати ривож топди. Бу борада жуда кўп моҳир усталар меҳнат қилдилар. Жилдсозлар алоҳида китобларга қоғозтахта, теридан жилд қоплаш билан машғул эдилар. Наққошлар китобга нақш солар, саҳифалар китобларни саҳифалаш, музаҳхиб рассомлар ўша асар мавзусида расм солар, хаттотлар эса ўз санъатларини кўрсатиш асар матнини битар эдилар. Битта китоб вужудга келиши учун у жуда кўп жараён ва усталар кўлидан ўтар, лекин ҳар бир китоб ўзига хос такрорланмас жозиба касб этарди. Буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темур мамлакатни худудини кенгайтирар экан, барча мамлакат ва истило этилган юртлардан моҳир усталар ва санъат соҳибларини ўзининг давлат пойтахти бўлган Самарқанд шаҳрига йиғди. Самарқандда кўп гўзал, муҳташам бинолар қурилди. Моҳир усталар ўз санъатлари билан зеб бердилар.

## ШАРҚ

# РЕНЕССАНСИ

**Мактаб ўқувчиларига Ўрта Осиё ва Шарқ тасвирий санъат мактаблари ҳақида кенг билим бериш орқали болаларда миниатюрага бўлган муҳаббат ва бу санъат асарлари тарқатадиган эзгулик, сахийлик, нафосат ва гўзалликни кўрсатиш лозим.**

дистонда турли санъат мактабларини барпо этдилар.

дистонда турли санъат мактабларини барпо этдилар. Мўъжаз тасвирий санъат усталари ишлаган ва бизгача етиб келган бой меросдан ўша даврнинг ишлаб чиқариши, маданияти ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида жуда кўп маълумотларни оламиз. Бу асарлар композицион жиҳатдан мукамаллиги, рангларнинг бой чашмаси, мавзуни тўла ёрита олиши ва тушунилиши осонлиги билан ўзига ром этади. Шарқ ренессанси деб юритиладиган X-XV асрларда санъатнинг барча турлари қаторида китобат санъати ва у билан боғлиқ бўлган қоғоз ишлаб чиқариш, муқовасозлик, наққошлик, хаттотлик ва миниатюра санъати ривож топди. Бу борада жуда кўп моҳир усталар меҳнат қилдилар. Жилдсозлар алоҳида китобларга қоғозтахта, теридан жилд қоплаш билан машғул эдилар. Наққошлар китобга нақш солар, саҳифалар китобларни саҳифалаш, музаҳхиб рассомлар ўша асар мавзусида расм солар, хаттотлар эса ўз санъатларини кўрсатиш асар матнини битар эдилар. Битта китоб вужудга келиши учун у жуда кўп жараён ва усталар кўлидан ўтар, лекин ҳар бир китоб ўзига хос такрорланмас жозиба касб этарди. Буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темур мамлакатни худудини кенгайтирар экан, барча мамлакат ва истило этилган юртлардан моҳир усталар ва санъат соҳибларини ўзининг давлат пойтахти бўлган Самарқанд шаҳрига йиғди. Самарқандда кўп гўзал, муҳташам бинолар қурилди. Моҳир усталар ўз санъатлари билан зеб бердилар.

“Амир Темур замонида Мовароуннахрда, хусусан, Самарқандда

қўшган Бойсункур Мирзо (1397-1434) санъат шинавандаси, сахий, илмли киши эди. У ўзининг қисқа умри, султонлик даврида Хиротда улкан кутубхона таъсис этди. “Бу кутубхонада Мавлоно Жаъфар Табризий бошчилигида 40 нафар етук усталар саҳифа, тасвир, варроқлик, тазҳиб, таҳлиб, вассалилик ва зарафшонлик каби бошқа нафосат, бадий санъат ижоди билан банд эдилар”. Улар Мавлоно Жаъфар Табризий, Шоҳий Сабзаворий, Алишер Шоҳий, Камолиддин Шерозий, Паҳлавон Котибий, Мавлоно Бойсункурий ва бошқалар эдилар. Бойсункур Мирзодан кейинги давр Султон Хусайн Мирзо кутубхонасига раис этиб тайинланган тасвирий санъат устаси, фарбда “Шарқ Рафаэли” деб танилган Бехзод эди. Мавлоно Мирак исми наққош кўлида шогирд бўлган Бехзод кейинчалик ўзи жуда кўп шогирдлар етиштирди ва Хирот тасвирий санъат мактабини такомилга етказди.

Бехзоднинг ўнлаб шогирдлари бўлган, булардан Шоҳ Музаффар, Махмуд Музаҳхиб, Қосим Али, Дарвеш Муҳаммад, Бадиуззамон Мирзо ва бошқалар эди.

Шундай қилиб, Шарқ халқларининг ифтихори Камолиддин Бехзод XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи ярмида Хирот ва Табризда яшаб, ғоятда баракали ижод этган. Ўзидан сўнгги авлодларга бой, ранг-баранг, ажойиб санъат асарлари яратиб қолдирган.

XVI асрнинг охирига келиб Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларида юзага келган ижтимоий-сиёсий вазият Бехзод шогирдларини ҳар

тарафга сочиб ташлади. Бирлари Бухоро, Самарқанд, Хиротда ижод этган бўлсалар, яна бирлари Табриз, Шероз ва Хиндистонда ўз мактабларини барпо этдилар.

XVII-XVIII асрларга келиб бу санъат тури секин инқирозга юз тутга бошлади, тўғри Ўрта Осиё ва Мовароуннахрдан бошқа ерларда, хусусан, Эрон, Хиндистонда бу санъат тури ўзгача равақ топди.

XVIII-XIX асрлардаги китобат санъатидаги ўзгаришлар ва тош босманинг кенг қўлланилиши бу санъат турлари инқирозига сабаб бўлди. Ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳолат, хонликларнинг юзага келиши ва ўзаро урушлар оқибатида халқнинг тинкаси қуриши бу санъат турларига бўлган ижобий муносабатни сўндирди.

Ўрта Осиё, Мовароуннахрда равақ топган китобат санъати, айниқса, миниатюра санъати ҳақида жуда кўп атоқли олим ва олималар қатор илмий изланишларни олиб бордилар. Улар орасида Г.Пугаченкова, Л.Решпель, В.Бартольд, Э.Бартенс, ўзбек олимларидан Ҳамид Сулаймон, Насим Нарзуллаев, Илёс Низомидинов, Ориф Усмонов ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Мактаб ўқувчиларига Ўрта Осиё ва Шарқ тасвирий санъат мактаб-

лари ҳақида кенг билим бериш орқали болаларда миниатюрага бўлган муҳаббат ва бу санъат асарлари тарқатадиган эзгулик, сахийлик, нафосат ва гўзалликни кўрсатиш лозим. Композицион жиҳатдан тушуниш осонлиги, рангларнинг тинки жилоси, ўтмишга бўлган ҳолис хотира бола онгида шу санъат турига бўлган муҳаббатни янада кучайтиради. Ҳақиқатда ҳам шундай, болаларга билим беришда миниатюранинг ўрни беқиёс, негаки, бола бу тасвирларни кўриб ўша давр маданияти, ишлаб чиқариш, халқнинг ҳаёти ҳақида маълумот олади. Онгида тарих янада яққолроқ гавдаланади, қадриятларимизга бўлган муҳаббат ортади. Мўъжаз тасвирлар болани ёрқин ранглардан фойдаланишга ўргатади, композицион ечимлар қидириш, тарих фанидан олган билимларини кўрсатишга ундайди.

Бу борада билим берадиган ўқитувчиларнинг билим савиясини ҳам ҳисобга олиш даркор. Мўъжаз тасвирий санъат (миниатюра) болаларда шеърятга муҳаббат уйғотади. Навоийнинг “Ҳамса”сига ишланган қатор ишлар билан таништириш, ўтмишнинг буюк сиймолари ҳақида сўзлаш, портретларни кўрсатиш болаларнинг билимларини ҳар тарафлама кенгайтиришга олиб келади.

**Маъсуда ЗОКИРОВА,  
РТМ бош методисти,  
Абдуқодир ИБРОҲИМОВ  
С.Раҳимов туманидаги  
185-мактаб тасвирий  
санъат ўқитувчиси**

## БУНЁДКОРЛИК ТУЙҒУСИ

Fikr

Бозор муносабатлари инсонни тартибли турмушга, фикрлаб иш юритишга, тадбиркорликка ўргатади. Ҳамма нарсага онгли, оқилона муносабатни талаб қилади. Ортиқча сарф-харажат, зўрма-зўраки ҳотамтойликни чеклайди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда ёшларни тежамли, тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган қилиб тарбиялаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Зотан, ҳамма нарсага «хўп» деб кўникиб кетаверишдан, ортиқча лоқайдик ва ялтоқланишга берилишдан ҳалос бўлиш, аксинча, эътиқодли, иймонли, сўзи ва иши бир бунёдкор авлодни тарбиялаш тараққиётимизга қўшилган улкан ҳисса бўлиши шубҳасиз.

Бунёдкорлик руҳи миллий мафқуранинг ёшлар онгидан нечоғли урин олгани билан улчанади. Бунда халқнинг урф-одатлари, тарихи ажодлар меросига таяниб иш олиб бориш кутилган натижани беради. Масалан, Шарқда азадан маҳаланинг, жамоанинг ўрни ва аҳамияти катта бўлган. Бошқаришнинг бу усули буйича миллий давлатчилигимизнинг самарали камол топишида бунёдкорлик гоёси етакчидир.

Маълумки, ҳар бир инсонда руҳий ҳимоя тизими бўлади. Буни турли иллат ва қусурлардан сақланиш иммунитетини ҳам дейишади. Унинг воситасида киши қалбида эзгулик тарбия топади, руҳиятнинг бузилишига йўл қўйилмайди. Натижада ички қалб бунёдкорлиги ташқи моддий борлиқ бунёдкорлиги билан уйғунлашади. Ёшларнинг келажакка ишончи ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Бунинг замирида миллат бахт-саодати йўлига қаратилган аниқ иш — мафқуравий тарбия ётади. Шу боис мафқуравий тарбия — огоҳликка, бунёдкорликка, яратувчанликка эришишнинг аниқ, яъни, илмий асосланган дастурига айланмоғи керак. У янги мазмун ва маънога эга бўлган тарғибот орқали ҳар бир ёшда мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига шахсий муносабатни шакллантиришни ҳам уз ичига олади. Ҳозирги шароитда Ўзбекистонимизни озод ва обод асрашда бунинг аҳамияти катта.

Миллий истиқлол гоёсини ҳар бир шахс онгига синдириш муаммонинг педагогик-психологик ечимини асослашга йўл очади. Дарҳақиқат, миллий ўзликни бунёдкорлик асосида теран англаш ижодкорлик, интилувчанлик, олға қаратилган ҳаракатда намоён бўлади. Тараққий этган халқларда шундай бўлган.

Буюк ўзгаришлар эски та-

моийларнинг уз ўрнини янги-сига бўшатиб беришида, яъни, эски мафқуранинг кейинги авлодларга таъсири кучсизланиб, янги мафқура билан ислоҳ қилинишида намоён бўлади. Ҳар биримизда миллат бунёдкорлигининг кечаси, бугуни ва эртаси мужассам. Буюк келажакни қатъиятли, ориятли, бунёдкор инсонлар қуради. Миллат бу даражага аста-секин миллий мафқура тарбияси воситасида кўтарилади. Бунинг учун ёшларни ўз-ўзини тарбиялашга ўргатиш лозим. Хусусан, ҳар бир ёш бозорда тарозидан ураётган, сутга сув қўшиб сотаётган кимсаларга, уғирликни кўриб, кўрмасликка олаётган юртдошига жиддий эътирозини билдира олиши зарур. Шунингдек, ёшларимизни ҳар хил ёт фикрлар билан чалғитмоқчи булган кучларга вақтида зарба бериш керак. Бу ҳам ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир оилада ота-она фарзандларига газета, журналлар ўқиш, радио эшитиш, телевизор кўриш жараёнида мустақиллик йўлидаги ютуқларимиздан қувонишга, бунёдкор фидойиларни уз жигари, акаси-укасидек, қариндошидек кўришга, Ватан хонларидан нафратланишга ўргатиш лозим. Қисқаси, юртимизда бўлаётган воқеаларга ёшларнинг мустақил муносабатини шакллантириб бориш керак.

Бунёдкорликни «ҳашар» деб аталадиган қадриятимизга боғлаб тушунтириш яхши самара беради. Ҳашар аслида маҳаллада пайдо бўлган ва оммавийлашган. Ҳашар билан уйлар, кўчалар, кўприклар қурилган ва ариқлар қазилган. Катта Фаргона канали ҳашар билан битказилган. Маҳалла аҳли, айниқса, баҳор фаслида ободончилик, экиш, кучат ўтқозиш, озодалик каби бунёдкорлик ишларини ҳашар йўли билан бажаришган. Келин-куёв тўйига тайёргарликлар арафасида кўрпа-кўрпача тикиш, сарпо тайёрлашларда ҳам ҳашар уюштирилган.

Бунёдкорликни қалбига синдириган инсоннинг руҳиятида доимо фидойилик туйғулари яшайди. Фидойи инсон бунёдкор бўлади.

Фидойилик ва бунёдкорликнинг самараси эл, Ватан, миллат манфаати йўлида онгли бажариладиган ишдир.

Фидойилик — ният, сўз ва амал-ҳаракат куринишларига эга. У кишининг Ватан равақини учун кўнгили ва онгли жонбозлигида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фидойилик миллат ва Ватанни бир-бирига боғлаб, юксалтирувчи яратувчан моддий кучга айланади. Фидокорона кутаринкилик миллатга моддий ва маънавий юксалиш ҳуқуқини, имконини беради. Фидойилик ҳар бир халқнинг миллий тараққиёти учун сув ва ҳаводек зарур. Зеро, фидойилик миллатни миллат қилади, миллат эса Ватанни озод ва обод қилади.

**Хусниддин НОРҚУЛОВ,  
«Оила» Республика илмий-амалий маркази аспиранти**

# ИЛМ ВА ЭЪМАРАТ

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га биноан соғлом фикрловчи баркамол инсонларни тарбиялаш бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг бош вазифаларидан биридир. Шунга кўра, ҳар томонлама етук, ҳам дунёвий, ҳам диний билимга эга мутахассисларни тайёрлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети жамоаси зиммасига шарафли, шу билан бирга масъулиятли вазифалар юклатилган.

Булар қуйидагилардан иборат:

⇒ диншunosлик асослари, ислом дини тарихи ва фалсафаси, уларнинг жамият ҳаёти ва ривождаги ўрни билан боғлиқ масалаларни ҳамда замонавий фанларни чуқур ўзлаштирган, давлат ва жамоат ташкилотлари, диний муассасалар олдидagi назарий ва амалий вазифаларни ҳал этишга қодир, юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш ҳамда мавжуд кадрларнинг малакасини оширишни таъминлаш;

⇒ исломшunosлик бўйича малакали кадрлар тайёрлаш борасида жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасаларининг тажрибасини атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш, университетдаги ўқув-тарбия жараёни сифатини замонавий талаблар даражасида ташкил қилиш, миллатимизнинг буюк илмий, маънавий қадриятларини асосида етук исломшunos мутахассис кадрлар тайёрлаш;

⇒ аждоқларимизнинг бой диний, илмий-назарий меросини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва ривожлантириш, тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш;

⇒ жаҳон цивилизацияси тарихида ислом динининг тутган ўрнини тадқиқ этиш асосида кўп динлилик шароитида дунёда ва мамлакатимиздаги исломнинг роли ва аҳамиятини аниқлаш, ривожланиш қонуниятларини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш;

⇒ узлуксиз таълим тизими ва кенг жамоатчилик учун диншunosлик, исломшunosлик, хусусан, ислом таълимоти ва фалсафаси, фикҳ, маънавий меросимиз дурдоналари бўйича кенг қамровли илмий, илмий-оммабоп асарлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратиш;

⇒ хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий марказлари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш каби вазифалар қиради.

Ҳозирда университетда диншunosлик-исломшunosлик, ислом ҳуқуқи, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар, информатика ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Университетнинг бакалаврият босқичида 500 нафарга яқин талабалар таҳсил олишмоқда. 2003-2004 ўқув йилидан Тошкент ислом университетида олти мутахассислик йўналиши бўйича магистратура ўз фаолиятини бошлайди.

2000-2001 ўқув йилидан бошлаб университет қошида академик лицей ташкил этилган. Унда ижтимоий-гуманитар, аниқ фанлар ва хорижий филология йўналишлари мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда 200 дан зиёд ўқувчи таълим олимоқда.

Ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун академик лицейда барча шароитлар яратилган. Турли техник восита-

лар билан таъминланган замонавий синф хоналари ташкил этилган. Ўқувчиларга лицейнинг малакали мутахассислари билан биргаликда, Тошкент ислом университетининг юқори салоҳиятли 42 нафар профессор-ўқитувчилари ҳам дарс бермоқдалар. Ўқувчилар ўз истеъдодларини намоён этиш мақсадида турли илмий анжуман ва кўрик-танловларда фаол қатнашиб келмоқдалар. Академик лицей ва Тошкент ислом университетининг профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида бугунгача 10 дан зиёд ўқув қўлланма ва дастурлар яратилди. Лицейда ўқувчиларнинг умумтаълим фанларидан олган билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида 24 та тўғарак тузилган.

Тошкент ислом университети қошида Университетни ривожлантириш жамғармаси мавжуд. Мазкур жамғарма университетни моддий-техник жиҳозлар билан таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш ишларида кўмак бермоқда.

Университет таркибида Исламшunosлик илмий-тадқиқот маркази фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказда турли бўлимлар мавжуд бўлиб, унда маълум мавзулар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Марказ қуйидаги бўлимлардан иборат:

Қуръон ва унинг тафсириларини ўрганиш;  
Ислам тарихи ва фалсафаси;  
Шариат (фикҳ);  
Манбашunosлик ва қўлёзмаларни ўрганиш;  
Маънавият, маданият ва санъат.

Университетда "Шарқшunosлик фанлари" соҳаси бўйича докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоясига ихтисослашган Кенгаш очилган. Университет аспирантура бўлимида 22 нафар аспирант "Диншunosлик назарияси", "Ислам тарихи ва манбашunosлиги", "Ислам ҳуқуқшunosлиги" ихтисосликлари бўйича таҳсил олиш билан бир қаторда, университет илмий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар.

Университет Манбалар хазинаси Ўзбекистондаги энг кенжа китоб ва қўлёзма фонди ҳисобланади. Мазкур хазина мамлакатимиз ва хорижда мавжуд бўлган қўлёзма, тошбосма нашрлар ва замонавий китоблар билан бойитилмоқда. Хазинадаги мавжуд манбалар илмий тадқиқот ишлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда талабанинг етук мутахассис бўлиб етишишида чет тилларни ҳам чуқур ўрганишини давр тақозо этади. Шунинг билан олиб, университетда Шарқ ва Ғарб тилларини мукамал ўқитиш мақсадида замонавий техник воситалар ва тил ўқитишнинг янги илғор услублари кенг қўлланилмоқда. Лингвафон кабинетлари ва араб тили маркази фаолият кўрсатмоқда.

Университетнинг халқаро алоқалари ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозирги кунда АҚШ, Англия, Франция, Голландия, Россия, Саудия Арабистони, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт ва бошқа қатор давлатлардаги университетлар ҳамда илмий тадқиқот марказлари билан ўрнатилган ҳамкорлик бўйича исботидир.

## Тошкент ислом университетида икки факультет мавжуд бўлиб, уларда:

Диншunosлик-исломшunosлик,  
Ислам ҳуқуқи,  
Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти  
Шарқ тиллари,  
Ғарб тиллари,  
Информатика ва табиий фанлар,  
Жисмоний тарбия,  
Фалсафа,  
Жаҳон динларини қиёсий ўрганиш,  
Халқаро иқтисодий муносабатлар каби 10 та кафедралар фаолият кўрсатмоқда.

### Таълим йўналишлари:

Ислам тарихи ва фалсафаси факультети:  
Диншunosлик  
Фикҳ, иқтисод ва табиий фанлар факультети:  
Ислам ҳуқуқи  
Информатика ва ахборот технологиялари  
Жаҳон иқтисоди ва халқаро иқтисодий муносабатлар

## Магистратура:

Диншunosлик  
Исламшunosлик  
Хорижий мамлакатлар иқтисоди  
Ислам ҳуқуқи  
Мусулмон мамлакатлари ҳуқуқий тизими  
Ҳисоблаш машиналари, математик моделлаш ва математик усулларни илмий тадқиқотларда қўллаш.

## 2002-2003 ўқув йилида ТИУга кириш учун абитуриентларнинг тўплаган ўтиш баллари

Таълим йўналиши	Ўтиш бали	
	грант	контракт
Диншunosлик, исломшunosлик	129,00	113,10
Ислам ҳуқуқи	153,70	136,80
Халқаро иқтисодий муносабатлар	184,00	161,50
Информатика ва ахборот технологиялари	119,20	91,90

# ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

2003-2004 ўқув йилида бакалавриятга қуйидаги йўналишлар бўйича қабул эълон қилади:

Диншunosлик  
Ислам ҳуқуқи

Жаҳон иқтисоди ва халқаро иқтисодий муносабатлар  
Информатика ва ахборот технологиялари

Абитуриентлар қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

ректор номига (таълим йўналиши ва тили кўрсатилган) ариза;  
ўрта ёки махсус маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

086/У шаклидаги тиббий маълумотнома;

3x4 см ўлчамдаги 6 дона фотосурат;

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг асли кўрсатилади.

Абитуриентлардан ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача (шу куни

ҳам) қабул қилинади.

Абитуриентлар учун тест синовларига кирган фанлар бўйича университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари консултациялар олиб борадилар.

Азиз йигит-қизлар!

Сизларнинг Тошкент ислом университети талабаси бўлишингизга тилақдошмиз!

Омад Сизларга ёр бўлсин!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.  
Метронинг "Алишер Навоий" бекати.

## КИЙИНИШДАН МАҚСАД НИМА?

Бугун сеvimли газетамга мени қийнайдиған муаммо ҳақида ёзмоқчиман. Бу наҳотки бошқаларни қийнамаётган бўлса? Баъзи ота-оналарга ҳам ҳайрон қоламан. Фарзандларига хорижнинг бўлмағур қийимларини фалон пулга харид қилиб, олиб беришади. Ваҳоланки, бошқа давлатлар биринчи ўринда ўзбекнинг қийган қийимиға ҳавас билан қарагани яхши эмасми? Атлас кўйлак, лозим қийган қизларга нима етсин. Афсуски, чет элнинг калта, тор юбкаларини коллежларда, институтларда ва кўча-кўйда қийиб юрган ўзбек қизларини кўплаб учратиш мумкин. Бизнинг қишлоғимизда бундай қийинадиган қизлар йўқ. Лариса Москалёва миллати рус бўлса ҳам, ўзбекларнинг содда ва чиройли, миллий қийимларини қийиб саҳнага чиққанида ич-ичимдан қувониб кетаман.

**Дилдора КАРИМОВА,**  
Избоскан туманидаги  
15-ўрта мактабнинг  
10-«Б»синф ўқувчиси

## БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧ

Уйга беҳад шод қайфиятда кириб келган Анвар ҳамани лол қолдирди. Аввало онаси ўғлининг хурсандлигига тезроқ шерик бўлиши учун ундан сабабини сўради:

—Ҳа, ўғлим бойлик топдингми, оғзинг қулоғингда?

—Бойлик ҳам гапми она, орзуимни, бахтимни топдим, — дея жўшиб гапирди у.


Ҳа, Анварнинг қувониши бежиз эмасди. Спортнинг каратэ турига қатнашиш учун Қарши ёки бирор шаҳарга бориш муаммосини ҳал қилолмай юрган бир пайтда, каратэ клубининг ташкил этилиши унинг учун жуда қувончли воқеа эди. Шу кунги ҳеч иккиланмай тумандаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошида ташкил этилган янги клубга аъзо бўлди. Клуб раҳбари Аскар Алматов Анвар билан суҳбат қуриб синаб кўргач, қабул қилди. 2001 йилдан бери фаолият кўрсатаётган клуб 70 дан зиёд турли ёшдаги болаларни бағрига олган.

Хуллас каратэ сирлари Анварга осонликча очилма-

ди. Тинимсиз шуғулланиш, иродасини мустаҳкамлаш уни секин-аста эл назарига тушира бошлади. Бир йилдаёқ ёш спортчи вилоят чемпионатида 2-ўринни олди. Сўнг 2002 йилнинг июль ойида ўтказилган вилоят ҳокими кубоги мусобақасида ҳам қумуш медаль соҳиб бўлди. 2002 йил декабрдаги вилоят чемпионати унга 3-ўрин ва 3-даражали диплом берибгина қолмай, республика чемпионатиға йўлланма ҳам топширди. Ҳалаба устиға ғалаба.

2003 йилнинг февраль ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида Анвар Ражабов фахрли III ўрин, диплом ва бронза медалини қўлга киритди. Бу муваффақият фақат Анварнинг эмас, бутун туманининг каратэ соҳасидаги биринчи муваффақияти эди.

**Гулчеҳра ШАЙМАНОВА,**  
Чироқчи туманидаги  
2-лицей-интернатининг  
олий тоифали она тили  
ва адабиёти фани  
ўқитувчиси



Таълим тизимида ўқувчи ёшларни касб-ҳунарға йўналтириш, билим, маҳоратларини ўстириш, ижодий қобилиятини ривожлантириш асосий масалалардан бири саналади. Тошкент вилояти Паркент тумани халқ таълими бўлимиға қарашли болалар ва ўсмирлар ижодий марказида олиб борилаётган ишларда мана шу жиҳатларни кўриш мумкин.

—Бугунги кунда марказимизда 14 та тўғарақ фаолият кўрсатмоқда. Шунда «Қўғирчоқ театри», «Моҳир қўллар», «Қўшиқчилик» тўғарақлари 26-, 35-, 40-мактабларда иш олиб бораёпти. 450 нафарға яқин ўқувчи ёшларни тўғарақларға

жалб этганмиз, — дейди ижодий марказ раҳбари Дилфуза Азимова.

Дарҳақиқат, тумандаги ҳар бир тадбир борки, БЎИМнинг аъзоларисиз ўтмайди. Барча ўтказилаётган тадбирларда улар-



ўқувчиларға ҳунар сирларини мукамал ўргатиб келмоқдалар.

«Оху — 2003» рақс кўрик-танлови, «Иқтидорли ўқувчилар анжумани», «Менинг етти авлодим», «Бувижоним ўғит-

қийинчилик сезаяпти. Биринчидан, моддий база йўқ. Болаларнинг бемалол шуғулланишлари учун етарлича шароит таъминланмаган. Машғулотлар ўтилиши учун ажратилган хоналар тор. Юқори таш-

## ИШ ЯНАДА ЯХШИ БЎЛИШИ МУМКИН...

нинг ўринлари сезилиб туради. Нафиса Азимова, Мурод Эрматов, Дилноза Азимбоева каби тўғарақ раҳбарларининг таълим-тарбия ва тадбирларидан ота-оналар ҳам хурсанд. Улар Зулфия Маъмурова, Феруза Досимова, Ҳусан Ҳасанов, Фотима Орипова, Жамшид Адашов сингари

ларини сингари кўплаб тарбиявий-ташкилий тадбирлар марказ аъзолари томонидан ўтказилиб, туман ёшларининг хотирида узоқ вақт сақланиб қолишиға замин ҳозирлади.

Иш-ку навбати билан бораёпти. Бироқ ижодий марказ айрим муаммоларни бартараф этишда

килот раҳбарияти ҳам марказни янада самаралироқ ишлаши учун озгина эътибор берса, аини муддао бўларди.

**А.ҚОРАБОЕВ**

Суратда: тикувчилик тўғараги аъзолари машғул пайтида.

**У.УСМОНОВ**  
олган сурат.

## ЧЕКИШНИ НЕГА ҚОНУН ТАЪҚИҚЛАМАЙДИ?

Бугун катталардан ташқари, ўсмир ёшлар ҳам чекишни одат қилиб олмоқдалар. Афсуски, мактабларда ҳам бундайлар учраб турибди. Ёшлиқда ўқиб-ўрганиб, изланиш ўрниға уларнинг кўчада сигарет чекиб, «брата», «братишка» деб вақтларини бе-

кор ўтказишларига ачиноиб кетаман. Инсон баалоғат даврида ўсиш, ривожланиш жараёнида бўлади. Чекиш эса унга салбий таъсир кўрсатади. Чекиш оқибатида қон айланиши ёмонлашади, юрак эса турли хасталикларға чалинади. Вақт ўтиши билан мия-

нинг қон билан таъминланиши сустлашади. Унинг инсон саломатлигига зарар эканлиги ҳақида телевидениеда турли кўрсатувлар тайёрланиб эфирға узатилмоқда, матбуотда бу мавзу кўп бор ёритилаёпти. Агарда сигарета ишлаб чиқариш ва

сотиш қонунан таъқиқлаб қўйилса, айрим кишилар зарар кўрса-да, лекин, омма учун, кўпчилик учун яхши бўлар эди.

**Манзура АБДУЖАББОРОВА,**  
Избоскан туманидаги  
15-ўрта мактабнинг  
10-«Б»синф ўқувчиси

Ёш болалар ёлғон сўзлашни билмайди. У ҳамма нарсаға ўзи билганча таъриф беради. Шуниси қизиқки бола каттами-кичикми, уларнинг нуқсонларини андиша қилмай айтаверади. Ана шу ҳолларда биз катталар болаларға бу сўзлари учун дакки берамиз ёки айтмасликка қазираемиз.

Дарҳақиқат, беандишалик маданиятимизда ва маънавиятимизда уят саналади. Гарчи каттами-кичикми хато қилаётган бўлса, андиша қилиб, айтмай кўя қоламиз. Биз андишали бўлишға

Ана шундай дарсларнинг бирида мавзуға оид ҳаётда содир бўлаётган жараёнлар ҳақида сўрасангиз, домла маърузада ёзилганидек жавоб беради. Яна қизиқсиниб жавобға фикримизни билдириб, саволни ўзгартириб берамиз...

Ўқитувчи домла бироз ўнғайсизланиб жавоб беради ёки бермайди-да сўнг, «Фамилиянг нима?» деб сўраб қолади. «Ҳадеб майнавозчилик қилаверма. Ҳамма тушунган нарсани нега сен тушунмайсан?» гўё рақибға муомала

## ДОМЛА МАЪРУЗАСИДА ТАЛАБА «МУДРАЙДИ»

ўрганганмиз ва шунга мослашганмиз. Лекин дунё кундан-кунға ўзгариб бормоқда. Бугунги кун эртанги кун билан тенг келмайдиган бўлиб қолмоқда. Кечаги усул бугун ўз мевасини бера олмаёпти. Айниқса, таълим-тарбия соҳаси бунга яққол мисол бўла олади. Лекин, негадир бизда таълим бериш услубидаги янғича ғоялар ғоялиғича қолиб кетаётгандек. Биз ҳар кунги ёшлар билан мулоқот қиламиз. Ёшлар мустақил фикр юритишда бироз қийналгандек бўлади. Баъзан дўстимиз ўқийдиган коллеж, университетларға бораемиз.

Унда ҳар доимғидек домла дарс ўтади. Талабалар тинглайди. Домла маъруза ўқийди, талаба кўзини очиб «мудрайди» ёки жим эшитиб хаёл суради. Келаси дарсда талабалар эшитган маърузасини айтиб беришади. Домла тинглайди.

қилгандек сўрайди. Чунки талабаларнинг бу ҳаракатиға ўрганмаган домланинг жаҳли чиқади. Ўқитиш услубидаги бундай муносабат кўпгина ўқув даргоҳларида авлоддан-авлодға «мерос» бўлиб келмоқда. Бу балки домланинг айбидир, балки талабаларнинг, лекин муҳими айбдорни топиш ёки уни танқид қилиш эмас, балки ўқиш ва ўқитиш услубида талабаларнинг мустақил фикрини ифода эта олиш ва барча жараёнларға муносабатини билдириш руҳини шакллантириш лозим эмасми!?

Хуллас, таълим тизимиға оид адабиётларға ва улардаги ғояларға жиддий ёндашиб амалиётда қўлламасақ, биз орзу қилган истак эртаға фарзандларимизнинг ҳам орзуси бўлиб қолмайди-ми?

**Нодир ШАМСИДИНОВ,**  
талаба

## ЭНГ УЛУҒ ЮТУҚ

Инсон камолот сари қадам кўяр экан, бу йўлда устознинг ўрни бекиёсдир.

Мен ҳам бир қанча фидойи устозларим қаторида Китоб туманининг Амин Умарий номли 12-ўрта мактабида бошланғич синф ўқувчиларига дарс бера бошлади. Секин-аста малака ва тажриба ошиб боравергач, ўзбек тили ва адабиётидан ўқувчиларға таълим бера бошлади. Ҳозирги кунға қадар ҳам мана шу фан бўйича туманининг кўзға кўринган ўқитувчиларидан бири, десам адашмайман.

Ўғилой опа ҳар доим бизға дарс берганларида соф ўзбек тилида сўзлашиш лозимлигини ўқитарди. Чунки тилимизда рус тилидан кириб қолган атамалар кўп учрарди. Ўғилой опа дарс беришни санъат даражасиға кўтарган эдики, агар устоз бизға дарсға кирса (гарчи тўполончи синф бўлса-да), уларнинг дарсларини мириқиб тинглардик.

**Сарвар СОБИРОВ,**  
ЎЗМУ журналистика факультети  
2-курс талабаси

Институтимизға Тошкентдан хабар келди—Информатика факультетининг магистранти Отабек Ёркинов Япониянинг халқаро ҳамкорлик маркази томонидан ўтказилган танловда голибликни қўлга киритиб Токиодаги Сагида университетида ўқишни давом эттириш имкониятиға мушарраф бўлди. Бу каби ибратли воқеаларнинг ҳеч бири институтимиз жамоасида беиз кетмайди, албатта, қувонамиз, гурурланамиз, янги эзгу ишлар сари илҳомланамиз. Шу билан бирға билимға чанқоқ, иқтидорли талабаларимиз билан ишлаш, уларға янада пухтароқ билим бериш йўл-йўриқларини излаимиз.

## ОТАБЕК ТОКИОДА ЎҚИЙДИ

Информатика факультетимизнинг ўзида ҳам анча диққатға сазовор ишлар амалға оширилмоқда. Бўлғуси муҳандисларни бакалавр ва магистр даражасиға етказиш учун жамоамизнинг профессор, доцент ва бошқа малакали педагоглари замонавий усулларда таълим бериб келишмоқда.

Институтимизда ўқув ишлари билан бирғаликда маънавий-маърифий тадбирларни изчил йўлга қўйишға ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Таълим-тарбиядан мақсад нафақат юқори малакали мутахассис-кадрлар тайёрлаш, балки ватанпарвар, ҳар томонлама етук, баркамол шахсни вояға етказишдан иборат.

**Муродилла ОЛИМОВ,**  
Наманган муҳандислик педагогика  
институтининг информатика  
факультети декани

Саҳифани Шерзод АХМАТОВ тайёрлади

**(Давоми. Боши ўтган сонларда.)**

Тун бўйи у кўзларини юммади. Қуёш чиқишига икки соатлар қолганда ўзи билан бир чодирда ётган болалардан биттасини уйғотди ва Фотима қаерда яшаётганини сўради. Улар ташқарига бирга чиқишди ва Сантьяго унга, кўй сотиб олиши учун, миннатдор бўлганидан пул берди.

Кейин қизни уйғотишини сўраб, қаерда кутишини айтди. Араб бола унинг бу илтимосини ҳам бажарди ва яна битта кўйга пул олди.

— Энди бизни холи қолдир, — деди Сантьяго ва бола кимсан Маслаҳатчига ёрдам берганидан гурурланиб, боз устига, энди кўй сотиб олиш учун пули борлигидан қувониб, чодирга қайтди

**Пауло КОЭЛО****АЛКИМЁГАР**

ва ухлагани ётди.

Фотима чикди. Улар хурмозор оралаб кетишди. Сантьяго урф-одатга зид иш тутаётганини биларди, бироқ ҳозир бу ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди.

— Мен жўнапман, — деди у. — Бироқ сенинг ишонишингни хоҳлайман: мен, албатта, қайтаман. Мен сени севман, чунки...

— Гапириш шарт эмас, — унинг сўзини бўлди қиз. — Одам яхши кўргани учун ҳам севади. Севги далил-исботларга мутож эмас.

Бироқ Сантьяго гапини давом эттирди:

— ... чунки мен аввал туш кўрдим, кейин подшоҳ Малкисидкни учратдим, биллур сотдим, саҳрони кесиб ўтдим, воҳага келиб қолдим жанг бошланганда ва қудуқнинг олдида сендан Алкимёгарнинг қаерда яшашини сўрадим. Мен сени яхши кўраман, чунки бутун Олам бизнинг учрашувимизга хайрихоҳ.

Улар кучоқлашишди ва вужудлари илк бор бир-бирига теги.

— Мен қайтаман, — тақорлади Сантьяго.

— Авваллари мен саҳрога орзуманд бўлиб қарардим, энди эса умид билан термуламан. Менинг отам ҳам бир неча бор саҳрога кетган, бироқ ҳар сафар онамининг ёнларига қайтган.

Бошқа бирор-бир сўз айтилмади. Улар яна хурмозор тагида бироз юришди, сўнг Сантьяго Фотимани чодиргача кузатиб қўйди.

— Мен қайтаман, отанг қайтиб келганидай.

У қизнинг кўзларида ёш йилтиранигани кўрди.

— Ййглаяпсанми?

— Мен саҳро аёлимман, — деди Фотима, юзини яшириб. — Бироқ аввал-амбор мен — оддий аёлман.

Киз чодир ичига-гойиб бўлди. Тонг оқариб келарди. Одатдаги кун бошлангач, Фотима неча йиллардан бери шуғулланиб келаётган иши билан машғул бўлади, бироқ энди ҳаммаси бошқача кечади. Воҳа энди қизнинг наздида бурунги қимматини бир қадар йўқотди, чунки воҳада Сантьяго йўқ. Аввал бошқача эди — яқингинада бу жой элик минг тул хурмо дарахти гуркираб турган, уч юзта қудуқли, саҳро кезиб чанқанган йўловчилар оройиш топадиган маскан эди. Энди қизнинг назарида воҳа бўшаб, хувиллаб қолди.

Бугундан бошлаб саҳронинг қадри ортади. Фотима энди саҳрога умид кўзи билан термиллади, хазиначарини қидириб кетган Сантьягонинг қайси юлдузга мўлжалга олиб йўл босаётганини топишга уринади. Шамол орқали ўзининг қайноқ ўпичларини йўллаб, улар Сантьягонинг юзига тегишига умид-

ланади ва пичирлаб ўзининг соғ-саломат эканини, уни қутаётганини айтади. Бугундан бошлаб саҳро Фотима учун умид маконига айланади: у ёқдан Сантьяго ёнига қайтади.

— Ортда қолганлар ҳақида ўйлама, — деди Алкимёгар, улар қум тепалар оралаб йўлга тушишганда. — Ҳаммаси аллақачон Олам Қалбида қайд этилди ва шу жойда мангу сақланади.

— Одамлар кетишдан кўра қайтиш ҳақида кўпроқ ўйлашди, — деди Сантьяго, саҳронинг сукунатига тагин кўника бошларкан.

— Агар сен толган топилдик пишиқ нарсдан ясалган бўлса, унга ҳеч қандай инсу жинс дахл қилолмайди. Ва сен бемалол қайтишинг мумкин. Агар бу нарса, худди юлдуз бир йилт этиб

— Нега сени Алкимёгар дейишди?

— Чунки мен Алкимёгарман-да.

— Бошқа алкимёгарларнинг — олтинни қидириб топишолмаганларнинг хатоси нимада?

— Хатоси шундаки, улар фақат олтинни қидиришган. Улар йўлда бекитилган хазиначарни излаш билан овора бўлиб, йўлдан четга чиқиб кетишган.

— Хўш, менинг камчилигим нимада? — саволини тақорлади бўзбола.

Алкимёгар ҳануз осмонга қараб турарди. Тез орада қирғий ўлжа билан қайтди. Улар қумлоқда ўчоқ қазиб, четдан қараганда кўзга чалинмайдиган гулхан ёқишди.

— Мен Алкимёгарман, чунки алкимёгарлик қиламан, — деди у. — Бу илм-

нурга йўғрилган воқеаларни ҳикоя қилса, баъзан кўтарилиб келаётган қуёшдан чунонам ҳаққириб шод бўлиб кетадики, Сантьяго пана жойга ўтиб ййглаб олади. Хазиначардан гап очилганда юраги тез уриб кетар, бўзболанинг кўзлари бепоён саҳро уфқларига термилганда эса тинчиб қоларди.

— Нега биз юракка қулоқ тутишимиз керак? — сўради у, дам олиш учун кўнишганда.

— Юрак қаерда бўлса, хазинача ҳам ўша жойда.

— Менинг юрагим лиммо-лим, — деди Сантьяго. — У орзу қилади, ҳаяжонланади, саҳрода аёлларга талпинади. Доим нимагадир интиқ, Фотима ҳақида ўйладим дегунча тамом — тун бўйи уйку бермайди.

**Роман**

— Шуниси яхши-да. Демак, у тирик. Эшитавер.

Кейинги уч кунда улар жангчиларни учратишди, бошқалари узоқдан кўриниш берди.

Сантьягонинг юраги кўркүвдан огоҳ этди. Хазинача излаб йўлга чиққан, бироқ уни топа олмаган одамлар ҳақида гапирди. Гоҳида у бўзболани хазиначани топа олмаслиги, эҳтимол, саҳрода ўлиб кетиши хаёли билан кўрқитарди. Баъзан бориға шукр қилишни ўқитарди: унинг севган қизи ва бир талай олтин тангаси бўлса, яна нимаси кам.

— Юрагим хиёнат қилаяпти, — деди у Алкимёгарга, улар отларнинг оёғини совутиш учун тўхташганда. — Менинг йўлни давом эттиришимни хоҳламаяпти.

— Бу яхшилик аломати, — тақорлади у. — Демак, юрагинг бир бўлак гўштга айланиб қолмаган. Табиийки, эришилган тажрибаларни орзу-хаёллар шимолига совиришдан юрагинг ташвишланаяпти.

— Ундай бўлса, қулоқ солиб нима қиламан?

— Барибир уни тинчлантириш қўлингдан келмайди. Ҳатто ўзингни унга қулоқ тутмаётгандай қилиб кўрсатсанг-да, у сенинг кўксингда уриб тураверади ва ҳаёт ҳақида, дунё ҳақида ўйлаганларини айтаверади.

— Ва менга хиёнат қилаверадими?

— Хиёнат — қутилмаганда берилган зарба. Агар юрагингни англай билсанг, у сенга хиёнат қила олмайди. Шунда сен унинг орзуларини, жамики истакларини билсан ва уни бошқара оласан. Юраги айтганларидан ҳали ҳеч ким қочиб қутилмаган. Яхшииси, уни тингламоқ керак. Шунда қутилмаган зарба остида қолмайсан.

Улар саҳро бўйлаб йўл юришни давом эттиришди ва Сантьяго юраги овозига қулоқ тутди. Тез орада у юрагининг инжиқликларини, хийла-найрангларини билиб олди — уни борича тушуниб қабул қила бошлади. Бўзбола кўркүвга тушишдан қутулди ва ортга қайтиш истагидан холос бўлди — энди вақт ўтган, юраги ҳам хотиржам эди.

“Агар гоҳида мен нолинсам, начора, ахир мен одамнинг юрагиман, бу менга хос хусусият. Ҳаммамиз ҳам ўзимизнинг энг азиз орзу-ўйларимизни амалга оширишга чўчиймиз, чунки биз ўзимизни ана шу орзуларга нолойиқ ёки ҳар қандай ҳолда ҳам барибир уларга эришолмаймиз, деб ўйлаймиз. Биз, одам юраги, маъшукдан умрбод ажралиб қолиш хаёлидан, хушбах кечини лозим бўлган, бироқ нохуш дақиқалар, топиллиши мумкин эса-да, қумлар остида кўмилганича қолиб кетган хазиначар ҳақидаги ўйлардан ўлғудай кўрқамиз. Чунки ана

шундай ҳоллар рўй берганда биз азоб чекамиз”.

— Менинг юрагим азоб чекишдан кўрқадим, — деди у Алкимёгарга бир оқшом, қоп-қоронғу, ойсиз осмонга тикилиб туриб.

— Сен унга ўқтир, азоб чекишдан кўрқиб, азобнинг ўзидан кўра ёмонроқ. Ўз орзуларини излаб йўлга чиққан бирор-бир юрак азоб чекамайди, зеро, бундай изланишнинг ҳар бир дақиқаси — бу Тангри ва Абдиёт билан учрашув.

“Ҳар лаҳза — бу дийдор, — деди Сантьяго юрагига. — Қачонки мен ўз хазиначани излабман, кунларнинг бари сеҳрли ёғду билан ёришган, зеро, мен билардимки, соат сайин ўз орзумининг амалга оширишига яқинлашарди. Қачонки мен ўз хазиначани излабман, мен йўлимда ҳеч қачон ўй-хаёлимга келмаган нарсаларни учратдимки, бундайин учрашувлар қўпонлардан жасорат талаб этарди”.

Шундан кейин унинг юраги тинчланди. Оқшом Сантьяго хотиржам уқлади, уйғонганидан сўнг юраги унга Олам Қалби ҳақида гапира бошлади. Айдики, Тангрини қалбида олиб юрган одам бахтлидир. Бахтни эса, Алкимёгар гапирган, ўша бир дона фаройиб қум заррасида топиш мумкин. Зотан, ана шу заррани бунёд этиш учун Оламга миллиард йил керак бўлди.

“Ерда яшаётган ҳар қайси одамни унинг хазиначаси кутиб ётади, бироқ биз юраклар, сукут сақлашга одатланганмиз, чунки одамлар уларни қўлга киритишни хоҳлашмайди. Бу ҳақда биз фақат болаларга гапирамиз, кейин эса ҳаёт ҳар кимни ўз Тақдирига пешвоз йўллаётганини кўрамиз. Бироқ, бахтга қарши, санокли кишиларгина ўзларига буюрилган йўлларида боришади. Дунё хавотирга солади ва шу боисдан ҳам хатарли тус олади.

Шунда биз, юраклар, паст овозда, шивирлаб гапирамиз. Бизнинг овозимиз ҳеч қачон тинмайди, бироқ сўзларимизга қулоқ тутишлари учун уринамиз: одамларнинг юракка қулоқ тутмай азият чекишларини истамаймиз”.

— Нега юрак кишига ўз орзуларини амалга ошириш учун ҳаракат қилиш зарурлигини айтмайди? — сўради Сантьяго.

— У ҳолда юрак азоб чекишига тўғри келади, юрак эса азоб чекишни хушламайди.

Шу кундан бошлаб бўзбола ўз юрагини тушуна бошлади. Ва бундан кейин агар у ўз орзулари йўлидан бир қадам четга чиқса, сиқилиб, оғриб ташвишдан огоҳ этишини юрагидан сўради. Огоҳни эшитгач, ўз йўлига, албатта, қайтишга қасам ичди.

Ўша оқшом у Алкимёгарга бу гапларнинг ҳаммасини айтди. Алкимёгар Сантьягонинг юраги Олам Қалбига юз тутганини тушунди.

— Энди мен нима қилишим керак?

— Эҳромларга қараб боравер. Белгиларни кўздан қочирма. Юрагинг энди хазинача қаердалигини кўрсатишга қодир.

— Олдинлари менга шу етишмас-миди?

— Йўқ, Биласанми, сенга нима етишмаганини, — деди Алкимёгар ва тушунтира бошлади:

— Орзу амалга оширишдан олдин Олам Қалби орзуманд киши унинг сабоқларини тўла ўзлаштириб олганини санаб кўришга қарор қилади. Олам Қалби биз ўз орзуларимиз билан бирга йўл-йўлакай ўзимизга берилган илму сабоқларни ола билишимиз учун шундай қилади. Айна шу нуқтада аксарият одамлар жасорат кўрсатишдан юз буришади. Саҳро тилида буни “воҳа кўзга кўринган чоғда чанқоқликдан ўлиш” дейилади. Изланишлар доимо Хайрли Ибтидо билан бошланади. Ва мана шу синов билан интиқ топади.

Сантьяго юртида кўп айтиладиган бир ҳикматни эслади: “Энг қоронғу пайт — саҳар олди палласи”.

**Аҳмад ОТАБОЕВ таржимаси.**

**(Давоми келгуси сонда.)**



## Maxsus maktab-internatlar hayotidan

Мактаб-интернатимиз 1966 йили Урганч туманининг Қирқ сеча қишлоғида мослаштирилган бинода ташкил этилиб, дастлабки иш фаолиятини 60 нафар ногирон болалар билан бошлади. Вақт ўтиши билан қалби ярим болаларнинг юрагига йўл топадиган барча қулайликларга эга бўлган янги замонавий бино куриш зарурияти туғилди. Меҳр-лаб болаларга бўлган бу савобли иш эътиборсиз қолмай, 1986 йилда шаҳарнинг қулай жойида янги мактаб-интернат биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги замонавий бинода 340 ўринга мўлжалланган ётоқхона, 180 ўринли ошхона, 28 та синф хонаси, заиф эшитувчилар учун 10 та алоҳида махсус ўқув кабинетлари ҳамда спорт зали, ошхона ногирон болалар хизматида бўлди. Бундай савоб ишлардан илҳомланган мактаб-интернатимиз педагогик жамоаси йиллар давомида қанчадан-қанча ногирон болаларни ўқитиб, тарбиялаш билан бирга уларни мустақил ҳаётга йўللادилар.

тириш ва эшитиш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилади. Бу эса, ўз навбатида, ўқитувчи ва тарбиячилардан катта маҳорат талаб этади. Шунинг учун ҳам ўқитувчиларимиз томонидан қар ва заиф эшитувчи болаларни ўқишга қизиқтириш, билимга иштиёқини уйғотиш мақсадида, энг аввало, уларнинг психологик хусусиятлари аниқланиб, дарс машғулоти янги илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этилишига ҳаракат қилинмоқда. Натижада ўқувчилар билими мустаҳкамланмоқда, малакаси шаклланимоқда, уларда ўз билимини оширишга ишонч ҳосил қилинмоқда. Эркин фикрлаш малакаси шаклланиб, тенгқурлари билан мулоқотда бўлиш ҳамда ўзининг истак ва хоҳишларини мустақил баён қилишни ўрганишмоқда.

Мактаб-интернатимизда ўқувчиларга Давлат таълим стандартлари талаблари асосида таълим-тарбия беришга ҳам катта эътибор берилди. Бу борада ўқувчилардан ҳар чо-

волейбол мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаши мактаб-интернатда спортнинг яхши йўлга қўйилганлигини билдиради.

Мактаб-интернатда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида комиссия мавжуд бўлиб, у ўз фаолиятини шаҳар ички ишлар, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликда олиб бормоқда.

Ногирон болаларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларни баркамол инсон қилиб, юксак инсоний фазилатларга эга қилиб камол топтириш мақсадида «Ватан муқаддасдир», «Ватан учун жон фидо», «Оила, мактаб, маҳалла», «Конституция — бош қомусимиз», «Наврўз» ва бошқа турли мавзуларда тадбирлар мунтазам равишда ўтказилиб борилади.

Ўқувчиларимизнинг касб-хунарга бўлган қизиқишларини уйғотиш ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар топиш мақсадида интернат



бағишланган кечалар, учрашувлар мунтазам ўтказилиб борилади.

Ногирон болалар кўнглини ҳар жиҳатдан ўқситмаслик мақсадида уларга бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари, тайёрланадиган таомларнинг сифатлигига ва белгиланган меъёрга бериб борилишига асосий эътибор қаратилган. Ётоқхона қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар би-

либ борилади ва келгуси ҳафтада ҳар бир ходимнинг қиладиган ишларининг қўламини айтилиб, қўшимча топшириқлар берилади.

Мана навбатдаги ўқув йили ҳам якунланди. Шу кунларда мактаб-интернат педагогик жамоасининг асосий диққат-эътибори келаси ўқув йилига тайёргарлик ишларига қаратилган.

Тайёргарлик ишларининг биринчиси — 2003-2004 ўқув йилида тайёрлов ва 1-синфга келадиган ногирон болаларни мактаб-интернатга жалб қилиш борасида бўлади. Чунки бундай болаларни мактаб-интернатга жалб қилиш вилоят касал-

# МЕХРТАСАБ БОЛАЛАР ҚАСБИГА ЙЎЛ



Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин мамлакатимизда ногирон болаларга бўлган эътибор янада кучайтирилди. Ҳар йили болалар учун ўқув қуроллари, дарсликлар, Президент совғаларининг тақдим этилиши ҳамда кам таъминланган оила фарзандлари учун бепул кийим-кечакларнинг берилиши бу хайрли ва савоб ишларнинг ёрқин далилидир.

Тугалланган 2002-2003 ўқув йилида илм даргоҳимизда 342 нафар ногирон болаларга малакали ва тажрибали ўқитувчи ва тарбиячилар таълим-тарбия беришди. Мактаб-интернатнинг моддий таъминот базаси анча мустаҳкам, ҳар гал янги ўқув йили бошланиши олди-дан ўқув ҳамда устахоналар таъмирланиб, бугунги кун талаблари даражасида жиҳозланиб борилмоқда. Шунингдек, спорт зали, ошхона ва бошқа қўшимча хоналар ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилади. Айни кунда педагогик жамоамизнинг асосий эътибори «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 2-босқичи талаблари асосида ишлаб чиқилган тадбирларни муваффақиятли амалга оширишга қаратилган.

Маълумки, қар ва заиф эшитувчи болалар мактабларидаги таълим-тарбия жараёнлари коррекцион мақсадларга асосланган бўлиб, уларнинг оғзаки нутқини шакллан-

рақда ёзма иш ва махсус тестлар олиниб, натижалари умумлаштириб борилади.

Ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўз устларида ишлаши, янги илғор педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилиб бориши мақсадида ўқитувчиларнинг 55 та очик дарслари, тарбиячиларнинг 16 та очик тарбиявий машғулоти, заиф эшитувчиларнинг 10 та гапириш кечалари ўтказилди. Ўқитувчиларимиз 356 соат ўзаро дарс машғулоти таҳлил қилдилар. Шунингдек, ўқитувчи ҳамда тарбиячиларнинг услубий бирлашмалари мунтазам равишда фаолият юритмоқда. Синфдан ташқари тарбиявий жараёнда ўқувчиларимизни ақлий ва маънавий ривожлантириш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида 9 та турли тўғрақлар ташкил этилиб, уларга 180 нафар ўқувчи жалб қилинган.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, мактаб-интернатда «Кувноқ стартлар» ва бошқа спорт мусобақалари мунтазам ўтказилиб борилади. Ўқувчиларнинг энгил атлетика,

худудидида сартарошлик, этикдўзлик устахоналари фаолият кўрсатмоқда. Улардан тушган маблағлар махсус ҳисоб рақамига ўтказилиб, илм масканимиз моддий-техника база-

лан жиҳозланган. Ётоқхонанинг ҳар бир қаватида дам олиш хоналари мавжуд, бу ерда болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида телевизиордан қатор кўрсатувлар намойиш қилиниб, тарбиячилар томонидан имо-ишора орқали тушунтириб борилади.

Ёзги таътил даврида ногирон болаларнинг ма-

хонаси ЛОР бўлимининг берган маълумотномаси ҳамда тиббий ташхис асосида ташкил этилади. Ўқитувчи ва тарбиячиларимиз ана шундай тоифадаги болаларнинг уйларида бориб, ота-онаси билан суҳбатлашиб, фарзандининг мактаб-интернатда ўқиши ҳақида ўз тавсиясини берадилар.

Ўқув йили якунида яна муҳим ишлардан бири — ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячини жорий ўқув йилида ўзининг фаолиятида, яъни ногирон болаларни ўқитиш ва тарбиялаш борасида қандай кўникма ва малакалар шакллантирди, уларнинг эшитиш қобилиятини ривожлантириш-



сини мустаҳкамлаш ҳамда кам таъминланган оила фарзандларини қўллаб-қувватлашга сарфланмоқда.

Мактаб-интернатимизда ногирон болаларнинг саломатлик даражасига ҳам эътибор катта. Ҳозирги кунда интернатда ЛОР, тиш даволаш хоналари ишлаб турибди, 3 нафар шифокор ва 2 нафар ҳамшира уларнинг соғлиқларини муҳофаза қилмоқдалар. Ҳар йили болалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғлиги аниқланади ва зарур дори-дармонлар бериб борилади.

Ўқувчиларимизнинг саводхон ва билимли бўлиб етишишларида мактаб кутубхонасининг ўрни каттадир. Ҳозирда мактаб-интернат кутубхонаси жамғармасида 9 миллион 636 минг сўмлик ўқув қўлланмалари, дарслик ва бадий адабиётлар мавжуд бўлиб, бундан ўқувчи ва ўқитувчилар баҳраманд бўлмоқдалар. Ўқувчилар ўртасида байрам саналарига



даний ҳордиқ чиқаришлари учун ҳар ўқув йили тугалланиши билан мактаб-интернатда ёзги оромгоҳ ташкил этилади.

2002-2003 ўқув йилида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш мақсадида ҳар ҳафтанинг душанба кuni директор ҳузурда йиғилиш бўлиб ўтади. Йиғилишда масъул ходимларнинг ҳафта давомида қилган ишлари юзасидан ҳисоботлари эшити-

да нималарга эришди, нималар режалаштирилган эдию нималарга эришилди. Шу ҳақда мактаб-интернат маъмуриятига ҳисобот берадилар ва мактаб-интернатнинг янги ўқув йили учун тузилган режа ва тадбирлари борасида ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирадилар.

**Худойназар ҚИЛИЧЕВ,**  
Урганчдаги 96-махсус  
мактаб-интернат директори

**ИРОҚНИНГ БМТДАГИ ЯНГИ ВАКИЛИ**

Ироқ ўзининг БМТдаги янги вакилининг номини эълон қилди. Унга кўра, Тариқ Азиз, Муҳаммад Ас-Саххаф, Наджи ал-Ҳадисилар кўл остида ишлаган Огиля Хошими исмли аёл эндиликда БМТда Ироқ номидан иш юритади. Бу лавозимда Саддам Хусайн даврида ишлаган Муҳаммад ал-Дури эса БААнинг «Ал-Арабия» телеканали билан ҳамкорлик қилиш бўйича шартнома имзолади.

АҚШ мудофаа вазири ўринбосари Пол Вулфовиц ва денгиз пиеда кўшинлари кўмондони Питер Пейсларнинг билдиришича эса, Америка аскарларининг Ироқда туришлари 10 йилга чўзилиши мумкин. Бунинг учун аскарларни жойлаштириш борасида кўшимча инфратузилмалар барпо этилиши лозим бўлади. Шунингдек, Ироқдаги аскарлар сони 151 минг атрофида бўлиши кутилмоқда.

**ИНСПЕКТОРЛАР ЭРОНГА КЕЛИШАДИ**

Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) бошқарув кенгашининг Венада бўлиб ўтган йиғилишида Эрон ҳукуматининг ядровий қуролларни тарқатмаслик бўйича қабул қилинган халқаро шартнома доирасида кўшимча протокол имзолаш ва ратификация қилишга тайёр эканлиги ижобий баҳоланган. Яқин кунларда эса МАГАТЭ инспекторларининг Эронга келишлари кутилмоқда.

АҚШ президенти Жорж Буш «ёвузлик ўчоқлари» дея атаган давлатлар сирасига кирувчи Эрон ўзининг ядровий объектиларидан тинчлик йўлида, хусусан, электр энергияси ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланаётганлигини билдирган эса-да, лекин расмий Вашингтон Техроннинг бу фикрларига ишонмаяпти.

**ЕВРОПА ИТТИФОҚИ САММИТИ**

Грециянинг Салоник яқинидаги Порто-Каррос курорт шаҳрида бўлиб ўтган Европа Иттифоқи саммитида унга аъзо 15 та давлат раҳбарлари ҳамда келгуси йилдан ташкилотнинг расмий аъзолари ҳисобланадиган 10 та давлат президенти ва бош вазирлари иштирок этдилар. Анжуман давомида Европа Иттифоқи ҳудудига юзага келган миграция масаласи ҳамда қочқоқлар муаммосини ҳал этиш, Европа Иттифоқининг ягона конституциясини ишлаб чиқиш ҳамда

Ироқ ва Яқин Шарқ мавзулари бўйича ўзаро фикр алмашилди. Хусусан, тикланиш жараёнларида Ироққа ёрдам бериш борасида биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олинди.

**SARS ХАВФИ ПАСАЙМОҚДА**

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълум қилишича, номатълум зотилжам (SARS) касалининг кенг тарқалиши амалда тўхтаган. Бу ҳақда расмий баёнот билан чиққан мазкур ташкилотнинг билдиришича, ушбу ойда SARS хавфининг камайиши кузатилган ва ундан ҳалок бўлиш ҳолатлари ҳам тўхтаган. Шунингдек, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти АСЕАН давлатларини SARSдан холи ҳудуд дея эълон қилган.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг октябр ойида Хитойда пайдо бўлган бу янги юқумли касаллик дунёнинг 20 дан ортқ давлатларига тарқалишга улгурган ҳамда у туфайли 799 киши ҳаётдан кўз юмиб, 8460 киши зарарланган.

**РИО-ДЕ ЖАНЕЙРО ЭНГ ДЎСТОНА ШАҲАР**

Фреснодаги Калифорния давлат университети руҳшунослар гуруҳининг 6 йил давомида 23 та давлатдаги шаҳарларда ўтказган тадқиқотлари натижасида Рио-де-Жанейро дунёдаги энг дўстона шаҳар, дея топилди. Тадқиқотчилар турли шаҳарларга боришиб, жамоатчилик орасида турли хил фавқулодда ҳолатларни юзага келтирганлар ҳамда унга нисбатан одамларнинг эътиборларини, муносабатларини кузатганлар. Натижада Рио-де-Жанейро аҳолиси ўзгаларга нисбатан энг меҳрибон кишилар, деган ҳулосага келинган. Ундан кейинги ўринларга Сан-Хосе (Коста-Рика) ва Мадрид (Испания) шаҳарлари муносиб топилган. Энг нодўстона шаҳарлар, дея эса Куала-Лумпур, Нью-Йорк, Сингапур ва Амстердам шаҳарлари эътироф этилган.


**Низомий номидаги ТДПУ (собиқ пединститут)нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетини 1973 йилда битирган курсдошларни 2003 йил 26 июль, шанба куни соат 10.00 да университет бош биноси олдида кутамиз. Маълумот учун телефон: 133-59-60.**

**РИНГ ҚИРОЛЛАРИ УЧРАШМОҚДАЛАР**

Бугун Лос-Анжелесдаги «Степлс-центр» саройида WBC йўналиши бўйича англиялик жаҳон чемпиони Леннокс Льюис ҳамда украиналик Виталий Кличколар ўртасида бўлиб ўтадиган учрашув NBO телеканали орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилади. Айтиш мумкинки, бу икки оғир вазнли профессионал боксчилар жанги кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган, ҳатто Кличко Льюисга қарши рингга чиқиш йўлида WBC ташкилотини судга ҳам берган эди. Мана, ниҳоят, Виталийнинг 3 йилдан буён кутаётган режаси бугун рўёбга чиқмоқда.

Аваллига унинг рақиби Льюис ҳақида фикр билдирадиган бўлсак, англиялик чемпион Кличко устидан ғалаба қозонишига тўла ишонмоқда ва ҳатто тайёргарлик даврида бейсбол ўйнашга ҳам вақт топди. Оғир вазнлилар ўртасида ўзини энг сўнги буюк боксчилардан, дея санаётган Льюис ринг билан хайрлашиши олдида куз фаслида Рой Жонсга қарши ўтказадиган жанги ҳақида ўйламоқда ва бугун Кличко билан бўладиган учрашуви борасида қайгургани ҳам йўқ. «Мен энг сўнги буюк боксчилардан ҳамда мен кўлга киритган ютуқларни бирор бир спортчи яқин вақт ичида такрорлашиши ишонмайман», дея айтган англиялик жаҳон чемпиони. Утгай, унинг 8 июнида Майк Тайсонга 8-раундда нокаутга уратган бу чарм кўлқоп устаси ўзининг Рой

Жонс билан кечадиган жанги дунё бокси тарихида энг катта даромадли учрашув бўлишига умид билдирмоқда. Фақат Рой Жонс октябр ойида афсонавий Эвандер Холифилд билан ўтказадиган учрашув режасини ўзгартириб, Льюисга қарши боришдан чўчимаса бўлгани. Кличко билан кечадиган учрашувдан 13 млн. доллар даромад



**Boks**

кўрадиган Льюис учун Ройга қарши ўтказадиган жангидан 45 млн. доллар фойда олиш муҳимроқ. Негаки, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан бу учрашув Леннокснинг катта спорт билан хайрлашишига арзийди.

Бир оиладан етишиб чиққан ака-ука профессионал боксчиларнинг каттаси Виталий эса жанг олдида интервью берар экан, бугунги учрашув унинг карьерасида муҳим босқич бўлиб хизмат қилишини урғулаган. WBC ҳамда WBA йўналишлари бўйича чемпионлик учун расмий талабгор саналган Виталийнинг рейтинг кўрсаткичлари бошқаларникига нисбатан энг юқори даражада. У Лос-Анжелесга 2 ой аввал келган бўлса-да, лекин Лью-

исга қарши курашга бор-йўғи 2 ҳафта тайёргарлик кўрди, ҳолос. Айнан бугун эса у бор имкониятларини ишга солмоқчи ва нималарга қодир эканлигини дунёга кўрсатиб қўймоқчи. Унинг промоутери саналган германиялик 59 ёшли Клаус-Петер Коль ҳам Виталийнинг нокаут билан бўлмаса-да, лекин очколар ҳисобида ғалаба қозонишига тўла ишонмоқда. Сўнги 9 йиллик промоутерлик фаолияти мобайнида 14 та жаҳон чемпионини етиштирган Петер Кольнинг фикрича, Льюис Виталий услубидаги боксчилар билан ҳеч қачон жанг ўтказмаган ва айнан шу омил у учун анчагина қийинчиликлар туғдиради.

Ҳар икки томон ҳам ўз ғалабасига ишонар экан, лекин, кузатувчилар Леннокснинг имкониятларини юқори баҳолаш билан бирга, янги чемпион кашф этилиши мумкинлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаяптилар. Спортнинг абадий қонунияти саналган ким голибу ким мағлуб бўлиши эса бугун ойдинлашади.

Англиялик футбол юлдузи, 28 ёшли Дэвид Бекхэм 2 июлдан бошлаб Мадриднинг «Реал» клуби шарафини ҳимоя қилади. Унинг «Манчестер Юнайтед»ни тарк этишига жамоа мураббийи Алекс Фергюссон билан кечган ўзаро муносабатлари, хусусан, устоз томонидан шогирдининг бутси билан «сийланиши» ва охириги ўйинларда Дэвиднинг майдонда эмас, кўпроқ заҳирада ушлаб турилиши сабаб бўлди. Бугун эса 41,3 млн. АҚШ долларига

ваффақиятлар тилаган. Бугун эса Дэвиднинг қайси рақам остида майдонга тушиши ноаниқроқ бўлиб турибди. Аммо, афтидан Роналдо унга ёрдам бермоқчи ва ўзининг 11 рақамли футболкасини Бекхэмга тақдим этмоқчи. Бунинг учун эса унга ўзининг севимли 9 рақамини беришса бўлгани. Италиянинг «Интер» клубида 9-ра-


**БЕКХЭМ:**

**ХАЙР, «МАНЧЕСТЕР», САЛОМ, «РЕАЛ»**

Бекхэмни «Манчестер Юнайтед»дан сотиб олган «Реал» ҳақиқий футбол юлдузлари клубига айланди. Негаки, унинг таркибида Жанубий америкалик Роналдо ва Роберто Карлос, араб дунёси вакили саналган Зинеддин Зидан, испаниялик Рауль, португалиялик Луиш Фигу каби моҳир футболчилар бор. Айни пайтда Токиода турган Бекхэм ўзининг янги жамоага ўтишини изоҳлар экан, мен бу клубга ўтганимдан бахтлиман, шу билан бирга «Манчестер Юнайтед»дек буюк жамоада кўп йиллар тўп сурганимдан фахрланаман, дея айтган. Айнан уни «Реал» сари кузатиб қўйган устоз Фергюссон ҳам Бекхэм билан сўнги 10 йил ичида «Манчестер Юнайтед» катта ютуқларга эришганини алоҳида қайд этган ҳамда шогирдининг келгуси фаолиятига му-

қам остида ўйнаган Роналдо 2002 йил Бразилия жаҳон чемпиони бўлиб, унга «олтин бутси» совға қилинганидан кейин, «Реал»да 11-рақам остида майдонга туша бошлаган эди.

Кузатувчилар эса клуб президенти Флорентино Перес «Реал»нинг 100 йиллик юбилейида ўз жамоасини юлдузлар гуруҳига айлантириш борасида берган ваъдасининг устидан чиқди, дея айтмоқдалар. Дарҳақиқат, бугун «Реал» футбол юлдузлари клуби бўлди ва у ҳам майдонда, ҳам моддий даромад топишда энг кучли жамоага айланди. Биргина, Роналдо келганидан буён унинг номи ва сурати остида 600 мингдан ошқ футболка тайёрлаб, сотишга муваффақ бўлган «Реал» Бекхэмдан ҳам нафақат майдонда, балки реклама ва шу каби қўшимча даромад топиш мақсадида ҳам фойдаланмоқчи.



**Futbol**

**ДУНЁНИНГ ЭНГ ҚИММАТ 10 ФУТБОЛЧИСИ**

(Трансфер баҳоси)

1. Зинеддин Зидан — «Ювентус»дан «Реал»га — 2001 й. — 64.4 млн. доллар.
2. Луиш Фигу — «Барселона»дан «Реал»га — 2000 й. — 56.1 млн. доллар.
3. Эрнан Креспо — «Парма»дан «Лацио»га — 2000 й. — 54.1 млн. доллар.
4. Кристиан Вьери — «Лацио»дан «Интер»га — 1999 й. — 50 млн. доллар.
5. Рио Фердинанд — «Лидс»дан «Манчестер Юнайтед»га — 2002 й. 47 млн. доллар.
6. Жанлуиджи Буффон — «Парма»дан «Ювентус»га — 2001 й. — 45.9 млн. доллар.
7. Роналдо — «Интер»дан «Реал»га — 2002 йил — 44,2 млн. доллар.
8. Дэвид Бекхэм — «Манчестер Юнайтед»дан «Реал»га — 2003 йил — 41.3 млн. доллар.
9. Гаиска Мендьета — «Валенсия»дан «Лацио»га — 2001 й. — 41 млн. доллар.
10. Хуан Себастьян Верон — «Лацио»дан «Манчестер Юнайтед»га — 2001 й. — 39,5 млн. доллар.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 235-ўрта мактаб томонидан 2001 йилда Кўчқорова Нигора Садирашевна номига берилган O'R-Z № 0911672 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги 33-мактаб томонидан 1995 йилда Тастанбеков Қайрат Молдабекович номига берилган АО-018938 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази жамоаси Самарқанд вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиги Муродулло Холмухамедовга опаси **Лола ХОЛМУХАМЕДОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Бир сойда "Вақ-вақ" лақабли қурбақа яшаркан. У сайрашдан тинмас, "вақ-вақ" қилиб ҳеч чарчамас экан.

Баҳор келиб, узоқ-узоқлардан қушлар учиб кела бошлабди. Лайлак ва турналар ҳам ўтган йили яшаган шу сойга кўнибди. "Вақ-вақ" қурбақа ҳали ёш бўлгани учун лайлак ва турналарни кўрмаган экан. Қурбақа уларни кўриб севишиб кетибди ва "вақ-вақ" ас-

лар-келинглар, меҳмонлар! — дегани учун уни емабдилар.

Аксинча, уни эркалабдилар. Шундай қилиб, турна, лайлаклар сойда, қурбақалар маконида яшабдилар, лекин бирорта қурбақага озор беришмабди.

Сой бўйидаги тешиқда чипор илон яшар экан. У

қир-вукур қилиб юришган эмиш.

Лайлак ва турналар ҳам ўзларига эмиш топиб юрган эканлар: — Қандай яхши-я, дўстлик, — дебди-да, шу кундан бош-

«Вақ-вақ-вақ»  
«Вақ-вақ-вақ»  
«Вақ-вақ-вақ»

салому алай-куму дебди.

Бошқа қурбақалар эса: — Ҳой, сен улардан эҳтиёт бўл! Улар ҳозир сени еб қўяди, — дебдилар.

Вақ-вақ қурбақа уларнинг гапларига парво қилмай, меҳмон лайлак ва турналарга илтифот кўрсатибди. Аслида турналар қурбақахўр бўладилар. Лекин хушмуомала вақ-вақ қурбақа уларга салом бергани, келинг-

лаб чипор илон ҳам кўркмай сойда биланглаб юрадиган бўлибди. — Бизнинг "вақ-вақ" қурбақамиз, дебди кекса қурбақа илонга — ширин сўз, ақлли. Шунда илон қурбақага қараб ҳаваси келибди. Ўзи кичкина-ку қилган иши ҳаммамиз учун фойдали-я, — дебди.

Ҳа, дўстлик энг яхши фазилат, у инсонларгагина хос бўлмай, балки ҳайвон, ҳашоратларга ҳам тинчлик-омонлик бахш этади.

лаб чипор илон ҳам кўркмай сойда биланглаб юрадиган бўлибди.


— Бизнинг "вақ-вақ" қурбақамиз, дебди кекса қурбақа илонга — ширин сўз, ақлли. Шунда илон қурбақага қараб ҳаваси келибди. Ўзи кичкина-ку қилган иши ҳаммамиз учун фойдали-я, — дебди.

Ҳа, дўстлик энг яхши фазилат, у инсонларгагина хос бўлмай, балки ҳайвон, ҳашоратларга ҳам тинчлик-омонлик бахш этади.

Малика РАҲМОНБЕКОВА

## Гиннесснинг рекордлар китобида

Ҳиндистонлик Ниина ва Муҳаммад Чаудхарилар 1989-1991 йиллари дунё бўйича энг биринчи ва тез автомобилда саёҳатни амалга оширдилар. Улар 40075 км. масофани (экватор масофасидан ҳам узун) 69 кун, 19 соат, 5 минутда, 1989 йил 9 сентябрдан 17 ноябргача босиб ўтганлар.



Исроиллик Тел Бертнинг бир ўзи мотоциклда жаҳон бўйлаб, 21329 км. масофани босиб ўтган. У ўз саёҳатини 1992 йил 1 июнда Париждан бошлаб, 77 куну 14 соатда, 17 август куни яна Парижга кириб келган. Телнинг бир кунлик йўл босиш меъёри 277 км. ни ташкил қилган.

Белгиялик Сигфрид Верхаяк, Люк Беле ҳамда даниялик Мартин Арсебаллар ўзларининг тоғ велосипедларида Хитойдаги баландлиги 7008 м. бўлган Музтоғ қорли чўққисига кўтарилишган (2000 йил, 11 август). Улар бу ишни 10-12 кг.лик велосипедларида 14 кунда бажаришган.



Австралиялик Ханспетерт Бек ўзининг бир гилдиракли велосипедида Порт Хедленддан Мельбурнгача (Австралия) бўлган 6237 км.лик масофани 51 кун, 23 соат, 25 минутда босиб ўтган (1985 йил 30 июндан 20 августгача)

Авторикша — жуда энгил, эшиксиз, соатига ўртача 50км/с. тезликка эга бўлган транспорт воситаси Хиндистондан ундан такси ўрнида фойдаланилади. Инглиз Кен Твайфорд ва Жералд Сьюинглар авторикшада Ҳайдарободдан (Ҳиндистон) Ланкастерширгача (Буюк Британия) бўлган 19165 км.лик масофани 1999 йил 17 декабрдан 2000 йил 23 июнгача босиб ўтишган. Улар ўз саёҳатлари давомида Хиндистон, Покистон, Эрон, Туркия, Греция, Италия, Франция худудларини ишғол қилганлар.

АҚШлик Курт Осборн Голливуддан (Калифорния, АҚШ) Орландогача (Флорида, АҚШ) бўлган 4569 км.лик масофани "ВМХ" велосипедининг орқа гилдирагида босиб ўтди. Велосипед махсус жиҳозланган бўлиб, юмшоқ ўриндиқ ва тепки кулай тарзда ўрнатилган, олди гилдирак олиб ташланган эди. Ўртача 16 км/с. тезликдаги саёҳат 13 апрелдан 25 июнгача давом этди (1999й.).

Австралиялик Гэри Парсонс 19030 км.лик масофани 274 куну 8 минутда югуриб ўтди. 1999 йил 8 ноябрда у ўзининг Австралия бўйлаб саёҳатини (14399,3 км.) 197 кун, 23 соат, 49 минутда якунлади. Кейин у Тасманияни айланиб чиқди. Гэри ўзининг супермарафонида бир қанча масофавий рекордларни ҳам ўрнатди: 10000 км (135 кун, 9 соат, 50 минут). 15000 км (205 кун, 23 соат, 7 минут). 16093 км (221 кун, 1 соат, 7 минут).

Словениялик тоғ-чанғи устаси Даво Карникар чанғида Эверест чўққисидан белгиланган лагергача 5 соатда тушди (2000 йил, 7 октябрь). У 8848 м. дан 5350 м.гача чанғисини ечмади. Давонинг тоғни ўрганиб, эҳтиёт чораларини кўришига бир ойга яқин вақт кетди.

Давронбек ТОЖИАЛИЕВ тайёрлади.

## Кo'ngil bitiklari

### ЎЗБЕК АЁЛИ

Кўёшининг қизидур — ўзбек аёли,  
Офтобдай меҳрибон, кўрки жамоли.  
Тилида асали, нозик ибодли,  
Қадрин баланд этар ифбат-ҳаёли.  
Кун сайин юксалар бахту иқболи,  
Кўзни қамаштирар қадди камоли.  
Мафтункор юлдуздай малак сиймоли,  
Гўзаллик тимсоли — ўзбек аёли.  
Қаддинга суқланар кўкда тўлин ой,  
Табиат инъоми сиздаги чирой.  
Офтоб ҳам борлигин берган ҳой-наҳой,  
Бош қўяр қизариб ҳар кун пойма-пой.  
Тенгсиз латофатга, малоҳатга бой,  
Меҳриндан бахраманд ҳатто Ҳотамтой.  
Кўёшининг қизидур — ўзбек аёли,  
Кучоғинда ўсдик тўкмай зарра ёш.  
Сиз борсиз сўнмагай қалблардан қўёш,  
Ҳар ишда мадакдор, ишончли қўлдош.  
Жуфту ҳалолимсан — энг содиқ сирдош,

Тенги йўқ буюқдир сиздаги бардош.  
Кун сайин юксалар бахту иқболи,  
Кўзни қамаштирар қадди камоли.  
Равзаи Эрамдай онажонимсан,  
Яратган эгамдай меҳрибонимсан.  
Қизимсан, ёримсан жонажонимсан,  
Ҳаётим лаззати мафтункоримсан.  
Кучимсан, қувватим — мадаккоримсан,  
Жўмард, халқ онаси, танда жонимсан.  
Мафтункор юлдуздай малак сиймоли,  
Гўзаллик тимсоли — ўзбек аёли.

## ЙИРОҚЛАРДАСАН

Нурдай эшиламан сенга қарасам,  
Умидли куртакдай гулаб кетар жон?  
Кўёш нурларидек сочинг тарасам,  
Дилимда қолмагай заррача армон!  
Аммо, нетай сенга етмоқлик мушкул!  
Ёруғ юлдузим, эй, йироқлардасан,  
Сен — мен излаётган энг муқаддас йўл,  
Сен — мен тополмаган бўёқлардасан!

Болибой ЖўМАРТОВ,  
Пайарик туманидаги  
84-мактаб ўқитувчиси

## УСПОЗЛАР ҚУЛАДИ

Икки ўқувчи суҳбатлашмоқда:

— Пифагорни биласанми?

— Ҳа, биламан, ўтган йили кўрган эдим.

— Ие, у эрамиздан аввал ўлиб кетганку.

— Э, айтдим, кўринмай қолди деб.

Ота ва бола суҳбати:

— Дада, математикадан икки олдим.

— Нимани билмадинг?

— Сонларни кўшишда умумий махраж топа олмадим.

— Ие, биз ўқиган вақтимизда ҳам излашаётган эди, ҳали ҳам топиша олмаптида?

Муҳаббат ТУРҒУНОВА,  
Охунбобоев туманидаги  
47-мактаб ўқитувчиси

ИТАЛЬЯНЧА КРОССВОРД	Фарслардан бири; Манзил	Сайёра; «Хамса» қоҳирани; Нота	Ҳаёт йўли; Ука	Ҳеч қачон; Норвегия пойтахти	Ширинлик	Орқас; Мунгазом қа- тор; Кечирин	Кўёш; Доно; Кучук; Брюс ...	Одам ... ; Қазини жойи; Бироз	Ўзбек автомобилли	Езма иш тури; Гўткун	Тепас; Савадсиз	Номус; Бош; Бегона	Университет бошлиғи; Қизлар исми
Тузувчи: Орифжон МАДВАЛИЕВ	Европадаги дарё; Масофа; Яратмиш	100 кв. км; Бурж; Нота	Ўял (шева); Кўрсатиш олмоши	Сўз туркуми; Хат тахта	Безак; Шаҳар; Тана, гавда	Тутишган киши; Ўқувсиз	Чарирлардан бири; Греция; Чипор	Кувейт пули; От тури	Ҳид, бўй; Нота	Озуқа; Техника экинни; Маъшуқа	Ибн ... ; Йирик ҳай- вон; ҳарбий бўлима		

## Ma'rifat

ТАБСИС  
ЭТУВЧИЛАР:  
Ўзбекистон Халқ  
таълими вазирлиги,  
Ўзбекистон Олий ва  
ўрта махсус таълим  
вазирлиги, Таълим ва фан  
ходимлари касаба  
уюшмаси Марказий  
Қўмитаси.

Бош муҳаррир:  
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ,  
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром  
БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),  
Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин  
КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой  
МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ,  
Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир  
ўринбосари), Ҳулқар ТҶИМАНОВА,  
Нурлан УСМОНОВ, Садулла  
ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси  
Давлат Матбуот Қўмитасида  
№ 20 рақам билан 12 июнь  
1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-476.  
Тиражи 26856. 1 2 3 4 5 6  
Ҳажми 4 босма табок,  
Офсет усулида босилган,  
қоғоз бичими А-3.

Набатчи муҳаррир:  
Қамолдин АЛИОУНОВ.  
Набатчи:  
Шерзод АҲМАТОВ.

«Ma'rifat»-дан материалларни кўчириб босиб  
таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.  
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга  
қайтарилмайди.

белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий  
таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мак-  
табдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —  
136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янги-  
ликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим  
янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналти-  
риш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими —  
136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида  
Лилия БИНАШЕВА  
ва Малоҳат ТОШОВА  
сахифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акционерлик компанияси  
босмаҳонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон»  
кўчаси 41-уй

Босишга тошириш вақти — 21.00.  
Тоширилди — 21.00